

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI
TARIX FAKULTETI
TARIX KAFEDRASI**

ЖЎРАЕВ УМИДЖОН ҒОФУР ЎҒЛИ

**BITIRUV MALAKAVIY
ISHI**

**MAVZU: ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЯТ ВА САЊАТ
РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ТАРИХИНИ**

Ilmiy rahbar: ўқ. Акракмова Ф.

TOSHKENT - 2014

Мундарижа

Кириш

I.Боб. Мустақил Ўзбекистон маданиятининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқий асосларининг вужудга келиши

1.1. Мустақиллик шароитида Ўзбекистон маданий ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари

1.2. Ўзбекистон республикасида маданий жараёнларнинг ҳуқуқий асослари

II Боб. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон маданият ва санъатининг ривожланиш тарққиёти

2.1. Мустақиллик йилларида маънавий маданиятнинг ривожланиши

2.2. Театр, кино ва мусиқа санъатининг ривожланиши

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида бўлганидек маданий ҳаётда ҳам тубдан ўзгаришлар юз берди. Шаклан ҳам, мазмунан ҳам миллий маданиятнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Шунингдек, мамлакатимизда маданият ва санъат соҳалари истиқлол даврида миллий кадриятлар ва замонавий тендецияларга асосланган ҳолда ривожланиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганига хали кўп вақт бўлмаганлигига қарамадан халқимизнинг маънавияти, маданияти, санъати, миллий кадриятларига алоҳида эътибор билан қаралди. Зеро, юртбошимиз И.А.Каримов: “Маънавият соҳасидаги энг асосий вазифамиз – миллий кадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларидаги бошлаган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир”¹ деб таъкидлаган эди.

Мустақиллик даврида юртимизда бу борада талайгина ишлар амалга оширилди. Аввало соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилди. Қолаверса, бу соҳаларнинг ривожланиши учун ҳукуватимиз томонидан қулай шарт-шароитлар яратилиб берилди. Мустақиллигимиз қўлга киритилганлигига мана 23 йилдан ортиқ вақт ўтди. Ўтган бу даврда маданият ва санъат соҳасида юз берган ўзгаришлар, янгиликлар эндиликда тарихий жиҳатдан баҳо беришга муҳтождир. Чунки ўтган даврда республикаимизда амалга оширилган ишларнинг аҳамияти уларнинг тарихий жиҳатдан тадқиқ этиш лозимлигини белгилайди.

Қолаверса, маданият ва санъат ҳар доим бирор бир давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланганлик даражасини кўрсаткичи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда маданият ва санъатнинг

¹ Каримов. И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008. –Б. 15.

ривожланиш тараққиётини тарихий жиҳатдан тадқиқ этиш ўзига хос долзарб аҳамиятга эга бўлиб, бу масала мавзунинг долзарблиги қилиб олинди.

Малакавий битирув ишининг мақсад вазифалари. Малакавий битирув ишининг **асосий мақсади** – мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маданият ва санъат ривожланиш босқичлари тарихини ҳар томонлама, тарихий жиҳатдан, холислик нуқтаи назаридан тадқиқ этишдан иборатдир. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, ишнинг қуйидаги **асосий вазифалари** белгилаб олинди:

– Мустақиллик шароитида Ўзбекистон маданий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

– Ўзбекистон республикасида маданий жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил этиш;

– Мустақиллик йилларида маънавий маданиятнинг ривожланиш босқичларини тадқиқ этиш;

– Истиқлол даврида театр, кино ва мусиқа санъатининг ривожланиш жиҳатларини таҳлил этиш;

– мавзуга оид материалларни ўрганиш ҳамда ва уларни назарий умумлаштириш асосида ушбу мавзунинг ўрганишга доир муаммоларни, мавжуд муаммоларни чуқурроқ тадқиқ этиш юзасидан амалий таклифлар бериш.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Мазкур мавзунинг ўрганишда аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг бир қатор асарлари ва сўзлаган нутқларига мурожаат қилиб, унда тарихий жараёнларга берилган баҳолар, хусусан бугунги Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий аҳволи, маънавий – маданий ҳаёти ҳақидаги фикрлари ва мустақиллик йиллари тарихий хотирани тиклаш, миллат, жамият, ўсиб келаётган авлод ҳаётининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш йўлидаги кўрсатмалари ва уларни амалга ошириш лозимлиги ва аҳамияти хусусида берилган оқилона

фикр мулоҳазалари ишнинг асосий манбавий асосни ва адабиётларини ташкил этди¹.

Мавзуга оид тадқиқотларнинг тизимли таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунга қадар Ўзбекистонда мустақиллик даврида маданият ва санъатнинг ривожланиши ва тарихига оид бир қанча ишлар амалга оширилган². Жумладан, тадқиқотчилардан тарих фанлари доктори А.Маврулов маданият соҳасини тарихий жиҳатдан тадқиқ этган дастлабки тадқиқотчилардан бўлиб, унинг қаламига мавзуга оид бир қатор тадқиқотлар мансуб³.

Шунингдек, Жондор Туленов ўз тадқиқотида масалага фалсафий ёндошган ҳолда ёзилган асари⁴ мустақиллик йилларида миллий ўзликни англашнинг тикланиши, маданиятнинг фалсафий жиҳатларини ривожланишига бағишланган. Ушбу асарда маданият ва санъатнинг фалсафий жиҳатларига мустақиллик йилларида янгича қарашлар билан ёндашаётганлиги яққол намоён этилган.

Шу билан биргаликда тарихчилар, файласуфлар, санъатшунослар ва соҳа мутахассислари М.Алиев, Х.Абулқосимова, Н.Караматов, Н.Жўраев,

¹ Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1 жилд. –Т.; 1996; Ўша муаллиф. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ. 1998; Ўша муаллиф. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон. 1998; Ўша муаллиф. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7 – жилд, – Т.: Ўзбекистон, 1999; Ўша муаллиф. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008; Ўша муаллиф. Tarixiy хотira va inson omili – buyuk kelajagimiz garovidir. – Т.: “O’ZBEKISTON”, 2012. Ўша муаллиф. Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанادا 1993 йил 31 августдаги сўзлаган нутқи, “Ўзбекистон овози” 1993 йил 1-сентябр.

² Абдухоликов С. Маданият тарихи ва унинг асосий масалалари. – Т., “ФАН”. 1992; Маданият ва маънавият муаммолари. – Т., 1994; Содикова М. Қишлоқ шароитида қишлоқ маданияти ва жамоат ташкилотлари. – Т.: “ФАН”, 2001; Исломов М.К. Бўш вақт ва ёшлар маънавий маданиятини ривожлантириш // Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс автореф. – Т., 1994; Ҳайдаров А.Х. Ўзбекистон жамияти сиёсий маданиятида миллий-маънавий қадриятларнинг ўрни. Сиёсий фанлар номзоди илмий дара дисс автореф. – Т. 2005; Васиева Д.И. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда университет таълимининг шаклланиши ва ривожланиши: тажриба ва муаммолар (1991-2001 йй.) Тарих фанлари номзоди илмий дара дисс автореф. – Т. 2008; Акбаров Қ.Ё. Ўзбекистоннинг XX аср сўнгги чорагидаги маданияти (Фарғона водийси мисолида). Тарих фанлари номзоди илмий дара дисс автореф. – Т. 2008.

³ Маврулов А. Ўзбекистон ҳозирги жараёндаги маданиятнинг умумий ҳолати: муаммолар, ривожланиш йўналиши (1970-1990 йиллар) // тар. фан. докт. илмий дара дисс. – Т. 1993; Ўша муаллиф. Маданиятдаги миллийлик ва байналминаллик // Маданият ва маънавият муаммолари. – Т., 1994. – Б. 9-18. Mavtulov A., Dehqonov I. Madaniyat tarixi. O’quv qo’llanma. – Т.: “O’QITUVCHI”, 2007.

⁴ Туленов Ж. Фалсафий маданият ва маънавий камолот. – Т.: “Меҳнат”, 2000. (215)

Т.Кўзиев ва бошқалар эса “Ўзбек кино” санъати ҳақида ўз изланишлар олиб бормоқдалар. Ушбу татқиқотларда ўзбек кино санъатининг мустақиллик давр тарихи ва ривожланиш босқичлари ҳамда унинг халқимиз маънавий-маданий ҳаётида тутган ўрни каби масалаларга ўз аксини топган¹.

Ўзбекистонда мусиқа санъатига оид тадқиқотлар ҳам мавжуд бўлиб, улар мусиқа санъатининг турли жабхаларини ёритишга бағишланган².

Шунингдек, теарт санъатига оид тадқиқотлар ҳам мустақиллик даврида анчагина яратилган бўлиб, уларни мазмуни ва мавзуси жиҳатидан хилма хилдир³.

Умуман олганда маданият ва санъат соҳасига оид тадқиқотлар турфалиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Шунингдек, сўнги ўн йилликда бу соҳада яратилаётган тадқиқотларни миқдори ҳам салмоқлидир. Биргина республикамиздаги газета журналларда 2000 йилнинг сентябрь ойдан декабр ойигача 270 дан зиёд маданиятга доир мақола чоп этилган⁴.

Малакавий битирув ишининг манбавий асослари. Тадқиқотнинг манбавий асосини соҳага доир Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари⁵, ҳукумат қарорлари⁶, қонун ва қонуности ҳужжатлари ташкил этади.

¹ Алиев М. Кино санъатимиз равнақи // Маданият ва маънавий муаммолари. – Т., 1994. – Б. 23-29; Ўзбекистон фильмлари каталоги. (1996-1999 й.) – Т., 1999; Абулкосимова Х.Н. Яна бир бор ўзбек кинеси хусусида. ГУЛИСТОН, 1999. 5-сон; Ўша муаллиф. Кино ва тасвирий санъат. Санъат. 1999. 1-сон; Ўзбекистон санъати (1991-201 йиллар) // Таҳрир хайати: Ҳ. Караматов, Н. Жўраев, Т. Кўзиев ва бошқалар. – Т.: “Шарк”, 2001;

² Мусиқа ижодиёти масалалари. – Т., 1997; Проблемы музыкальной науки Узбекистана. – Т., 1997; Бахритдинова Н.А. Ўзбекистон болалар хор маданияти. – Т., 2002.; Жумаева Л. Ўзбек хор мусикаси тарихидан. – Т., 2000; Жабборов А. Мусикий драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодиётида. – Т., 2000; Юнусов Р.Ю. Ўзбек халқ мусиқа ижодиёти. – Т., 2000; Мамадалиев Ф. Миллий мусиқа ижрочилиги масалалари. – Т., 2001.

³ Ўзбек театр тарихи. –Т.:

⁴ Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон маданияти ва санъатига оид янги адабиётлар. Библиографик ахборот. // Тузувчи: Абдуазимова И. – Т., 2001.

⁵ “Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3491-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 38-39-сон, 422-модда. // www.Lex.uz;

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат театрлари ва концерт ташкилотларининг мақоми тўғрисида”ги 11-сонли Қарори. Тошкент. 1992 йил 13 январ. // www.Lex.uz; Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 40-41-сон, 436-модда; 2005 й., 14-сон, 104-модда. // www.Lex.uz; Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг 96-сонли Қарори. // www.Lex.uz; «ЎЗБЕККИНО» миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 17.03.2004 йилдаги 126-сон. Манба: ЎР ҚХТ, 2004 й., 11-

Мавзунинг даврий чегараси. Мазкур малакавий битирув ишининг даврий чегараси мустақиллик йилларини ўз ичига олади. Тадқиқотнинг асосий эътибори 1991 йилдан то бугунги кунгача бўлган даврга қаратилган.

Малакавий битирув ишининг назарий-услубий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари¹ ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида² кўрсатилган тарихий жараёнларни ўрганишда цивилизацияли ёндошиш, тарихни ўрганишнинг назария ва амалиёти ҳақидаги кўрсатмалар, шунингдек умумий илмий тамойиллар-илмий холислик, мантақий изчиллик, батартиблик малакавий битирув ишининг моҳиятини очиб беришда катта аҳамият касб этади. Шунингдек, тадқиқотнинг назарий-услубий йўналишлари Ўзбекистоннинг янги тарихи концептуал-методик талабларга асосланган бўлиб³, мавзунинг таҳлили жараёнида цивилизация ёндашувга риоя қилинди.

Тадқиқот усули. Малакавий битирув иши доирасидаги ушбу тадқиқотимизда тарихий тадқиқотларнинг хронологик, анализ ва синтез усулларидан фойдаланилди. Ушбу усулларни қўлаш натижасида олинган маълумотлар умумлаштирилди.

Малакавий битирув ишининг таркибий тузилиши. Малакавий битирув иши кириш, ҳар бири икки бўлимдан иборат иккита боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Шунингдек, ишнинг илова қисми ҳам мавжуд.

сон, 128-модда; “Киновидео фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган махсус рухсатнома (лицензия) бериш ва рўйхатга олиш тартибини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш” ҳақида «ЎЗБЕККИНО» миллий агентлиги бош директорининг буйруғи 04.04.2008 йилда рўйхатдан ўтган. Манба: ЎР ҚХТ, 2008 й., 14-15-сон, 108-модда; “Кино, радио ва телевидение ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа яқка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларини тасдиқлаш” ҳақида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи 20.01.2010 йилда рўйхатдан ўтган. Манба: ЎР ҚХТ, 2010 й., 3-4-сон, 25-модда;

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ. 1998; Каримов. И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008; Karimov I.A. Tarixiy xotira va inson omili – buyuk kelajagimiz garovidir. – Т.: “O‘ZBEKISTON”, 2012.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. // Ўзбекистон овози. 1998 йил, 28 июль.

³ Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси. Лойиҳа. // ЎТ. 1999. №1.

I.Боб. Мустақил Ўзбекистон маданиятининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқий асосларининг вужудга келиши

1.1. Мустақиллик шароитида Ўзбекистон маданий ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари

XX асрнинг 90-йилларида Ўзбекистон маънавий-маданий ҳаётида мисли кўрилмаган катта ўзгаришлар юз берди. 130 йилга яқин давом этган Россия империяси мутамлакачилиги ва волшебистик-комунистлик мафкура яккаҳоқимлигига мамлакатимизнинг мустақилликка эришганлигини эълон қилиниши билан барҳам берилди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллик энг аввало халқимизнинг кўлидаги кишанларни ечиб ташлади. Маънавий маърифий соҳадаги куллик, ўз маданий сиёсатини ўзи белгилаши ҳуқуқидан маҳрум бўлиш, қайси халқ миллат бўлишидан қатъий назар унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий мафкуравий тараққиётига тўсиқдир. “Моддий илҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар, - деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, - ўз йўлига. Уларни ҳал этиш мумкин. Аммо, маънавий ислоҳотлар куллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаш, уларга муносиб ворис бўлиш- бундан оғир ва шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда”.¹

Дарҳақиқат, шундай. Маънавият маърафат соҳосини ривожлантирмасдан ижтимоий ҳаётнинг бирор – бир соҳасида кўзланган мақсадга эришиш мумкин эмас эди. Шуннинг учун Ўзбекистон ҳукумати истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мазкур масалага эътиборни кучайтирди². Ўзбекистон жамиятида маънавий соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш учун энг аввало собиқ иттифоқ тузумига ҳос бўлган сиёсий-мафкуцравий яккаҳоқимликдан ҳолос бўлиш, маънавиятни ривожлантиришнинг янги назарий асосларини ишлаб чиқиш, маданият

¹ Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. I жилд. –Т.; 1996. –Б 202.

² Jo'rayev N. O'zbekiston tarixi (Milliy istiqlol davri) 3-kitob / Mas'ul muharrir N. Abduazizova. – Т.: “Sharq”, 2011. – В. 543.

таракқиётини белгилашга ёрдам берувчи ҳуқуқий асосларини яратиш лозим эди.

Шу ўринда бу соҳанинг мутахассислари маданият ва бошқарув масалаларига маънавий ҳаётда маъмурий буйруқбозлик тизимини даф этишга қаратилган ҳуқуқий муаммоларга эътиборини қаратиши лозим. Ҳақиқатдан ҳукуматимиз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ юқоридаги вазифаларни юажаришга киришди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 42-моддасида “Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланди. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади”, дейилади.¹ Ушбу модда Ўзбекистон маданияти устидан давлат ғамхўрлигини ўрнатди. Натижада, маънавий омилларнинг сиёсийлашуви, ғарбга қуллик, маданиятнинг тижоратлашуви каби салбий ҳолларнинг олди олинди.

Айни пайтда Президент, ҳукумат маданиятни бошқаришни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бера бошлади. Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тўғрисида Низом” (1992 йил 30 июн) алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Унда вазирликнинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш ҳамда иш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари белгилаб берилди. Шунингдек, Президентнинг “Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш сора-тадбирлари тўғрисида”ги (1995 йил 25 октябр), “Республикада мусиқий таълимни, маданият ва саанъат ўқув юртлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги (1996 йил 31 декабр), “Ўзбекистонда миллий рақс, хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги (1997 йил 8 январ), “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги (1998 йил 26 март) Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда миллий рақс, хореография санъатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (1997

¹ Ўзбекистон Республикаси конституцияси. –Т.: 2012. – Б. 13.

йил 21 феврал), “Ўзбеку театр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги (1998 йил 22 май), “Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмаси фаолиятини янада такомиллиштириш тўғрисида”ги (1999 йил 4 май), “Эстрада кўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида”ги (2001 йил 26 июн) қарорлари Республика маънавий ҳаётида чуқур сифат ўзгаришлари ва жиддий ислоҳотларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида маънавий саҳалардаги ислоҳотлар собиқ комунистик методологиядан вос кечиш асосидагина рўй бериши мумкин эди. Малумки, собиқ методологиянинг асосини маданий соҳага “пратявий-синфий” аснода баҳо бериш ташкил этарди.

Мустақиллик шароитида ушбу масалага муносабат тубдан ўзгарди. Комлесклилик, илмийлик, тарихийлик, инсонийлик, миллий ва умуинсоний кадрятлар уйғунлиги, системалилик каби сифат жиҳатдан янги миллий истиқлол ғоялари маънфаатларига мос маданиятга раҳбарлик қилиш ва бошқаришнинг тамоиллари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотларининг давлат сиёсатининг устувор йўналаши сифатида эътироф этилиши, маданиянинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳадаги барча муаммоларини ҳал этишдаги роли ва ўрнининг ортиб бориши, миллий маданиятнинг миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкура билан уйғунлиги каби масаларни истиқлол даври адабий-бадиий, маънавий-маданий ҳаётида сифат жиҳатидан янгиланиш покланиш ва барқарорлашувининг бошланганлигидан далолат беради¹. Айниқса, Президент И.А.Каримовнинг “жамият тариққиётини асоси уни муқаррар фалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч маърифатдир”² деб тақидлаши бу борадаги ислоҳотларнинг тўғрилигига ва давомийлигига ишора эди. Президент томонидан имзоланган “Маънавий ва маърифат”

¹ Jo`rayev N. O`zbekiston tarixi (Milliy istiqlol davri) 3-kitob / Mas`ul muharrir N. Abduazizova. – T.: “Sharq”, 2011. – B. 540.

² Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.; 1998. –Б. 7.

жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллатириш ва самарадорлигани ошириш тўғрисида”ги (1996 йил 9 сентябр) Фармон эса мазкур соҳани ривожлантириш давлат сиёсатининг бош мақсади эканлигидан дарак берарди.

Манавий соҳадаги ислохотлар бир томондан узок йиллар давомида шаклланган эски бошқарув тизимини янгиланган бўлса, бошқа томондан унга мутоносиб равишда жамиянининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жабҳаларда барқарорлашув жараёнларин содир этди. Бундай ҳолат эса умуминсоний кадрятларга содиклик, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши, ватанпарварлик туфайли амалга оширилди. Маданият ва санъат соҳасидаги бўлғуси мутахассислар ўзлари танлаган касбий мутахассислигига эга бўлиши билан бирга, ўз навбатида чуқук маънавий-маърифий билмга эга бўлиши лозим. Шу маънода маданият ва санъат соҳаларини эгаллаган мутахассислар мустақиллик даври маданий меросини тиклаш борасидаги умуммиллий жараён тўғрисида мукамал билмга эга бўлишлари шарт.

Дарҳақиқат, ўзбек халқининг бой маънавий меросини тиклаш, мустаҳкамлаш борасида жуда ката ишлар бажарилди. Ижтимоий жараёнлар бой ва кўҳна тарихимида ўтган буюк аллома, мутафакирлар шахсига нисбатан муносабатларни ўзгартириб юборди. Тарихий жараён, унда ўтган буюк шахсларга баҳо беришда ҳаққонийлик, тарихийлик, илмийлик, холислиқдан иборат яратган методологик назарияга асос солинди.

Абу Али Ибн Сино, Аби Райхон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мутафакирларнинг асарлари нашр этила бошланди. Абдуҳолик Гиждувоний, Баҳоваддин Нақшбандий, Имом Ал-Бухорий, Муҳаммад Ат-Термизий, Амад Яссавий, Бурҳониддин Марғилонийларнинг руҳи шод этилди. Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Усмон Носир каби Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган сиймоларимиз номи,

хурмати жойига қўйилди¹. ЮНЕСКО қарорига биноан 1994 йилда Париж, Истамбул, Карачида, буюк фалакиёт олими Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йилик юбилеи байрам қилинди. Шерият мулкининг султони Алишер Навоийнинг 1991 йилда 550, 2001 йилда 560 йиллик тўйини нишонлаш, 1992 йилдан анаънавий машрабхонлик кунларининг ўтказилиши мамлакат маънавий-маданий ҳаётида катта воқеа бўлди².

Дин ва диний қадриятларга муносабатимиз ўзгара бошлади. Президентимизнинг “Мусулмонларнинг Саудия Арабистонга ҳаж қилиши тўғрисида”ги (1990 йил 2 июн)”. Ўзбекистон Республикасининг” Вазирлар маҳкамаси ҳузурида динишлари бўйича комитет ташкил қилиш тўғрисида”ги (1992 йил 7 март), “Рўза хайитни дам олиш куни деб элон қилиш тўғрисида”ги (1992 йил 27 март) Фармонлари, Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида”ги (1998 йил) қонуни, 1995 йилда Тошкентда Халқаро Ислом унверситетининг ташкил топиши миллий маданий соҳадаги чуқур ислохотлар натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Истиқлол йилларида мамлакатимиздаги тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш улардан маънавий-мафкуравий, тарбиявий мақсадларда фойдаланишда ҳам катта ишлар бажарилди.

Бу даврда мамлакатимизда 10 минга яқин шундай ёдгорликлар бўлиб, улардан 7 мингга яқини Давлат муҳофазасига олинди. Ўзбекистон Республикасининг маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича қонуни, “Мерос” умуммамлакат дастури, “Ўзбекистонда маданий меросни сақлаш ва ундан фойдаланишнинг 2000 йилгача бўлган даврдаги асосий йўналишлари” каби муҳим ҳужжатлар бу соҳада жиддий ўзгаришларни амалга оширишга имкон берди.

Шунингдек, ёдгорликларни Илмий ўрганиш соҳасида ЮНЕСКО экспертлари билан ҳамкорликда “Ўзбекистон маданий меросини тиклаш ва

¹ Ўзбекистон санъати (1991-201 йиллар) // Таҳрир хайати: Ҳ. Караматов, Н. Жўраев, Т. Қўзиев ва бошқалар. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б. 131.

² Jo'rayev N. O'zbekiston tarixi (Milliy istiqlol davri) 3-kitob / Mas'ul muharrir N. Abduazizova. – Т.: “Sharq”, 2011. – В. 542.

уни мўтадил ривожлантириш” дастури доирасида муайян ишлар амлга оширилди. Бу борада Шахрисабз, Хива, Бухоро, Тошкент, Марғилон Самарқанд каби шаҳарларда олиб борилган ишлар айниқса диққатга сазавор бўлди. Жумладан, Самарқандаги Регистон, Гўри Амир мажмуалари, Бибихоним масжидида, Шахрисабздаги Оксарой, арки Дерут-тиловат, Дасус-Саодат, мажмуаларида, Қаршидаги Кўк Гумбаз масжиди, Қиличбой мадрасалари ҳар жиҳатдан янгиланди. Тамирлаш ишлари учун ажратилган пул маблағларининг миқдори ҳам ортиб борди. Агар 1998 йилда бу мақсадлар учун 650 млн., 1999 йилда 700 млн. сўм сарланган бўлса, 2000 йилда бу рақам 750 млн. сўмга етди.¹

Ўзбекистон манавий ҳаётини барқарорлаштиришда маданият ишлари вазирлигининг лойиҳалаш, илмий тадқиқот иснтитути, 3 та музей – заповедник, Республика Меморий-бадиий устахона, 11 та илмий тамирлаш ишлаб чиқариш бўлимлари, Республикада скулптур комбинати ва 58 та музейлари ҳам фаол хизмат қилдилар.²

Маскур давирда бозор муносабатлари, табиий иқтисодий қийинчиликлари, ўтиш даври ҳусусиятларига қарамасдан маданият муассасаларини сақлаб қолиш, уларнинг тижоратлашувининг олдини олиш, театр, музейлар, талим муассасалари маданий-марифий муассасалар тармиғини кенгайтириш талай ишлар қилинди. 1990 йлларнинг охирларида Ўзбекистонда 9538 та маданий муассасалари фаолият кўрсатган бўлса, уларнинг 53 таси театр-концерт, 3458 таси маъданий-марифий муассасалар, 27 ўқув юртлари эди.³

Ушбу муаммоларни малакали мутахасис ходимлар билан таъминлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти, Мухтор Ашрафий номидаги консерваторияси, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат

¹ Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлигининг жорий архиви. Ўзистикбол статистика кўмитаси ҳисоботи. –Б. 6.

² Маврулов А, Деҳқонов И. Маданият тарихи. –Т.: Ўқтувчи. 2007. –Б. 86.

³ ЎЗР МДА. М-7-фонд, 1-рўйхат, 9-иш, 47-вароқ.

институти, Миллий ракс ва хореография олий мактаби, 23 та ўрта махсус билим юртлари кўплаб юқори малакали ходимларни тайёрладилар.¹ Консерваториянинг жаҳон андозаларига жавоб берадиган маҳобатли биноси куриб ишга тушурилди.

Энг оммавий маданият маскнлари сифатида маданий-маърифий муассасалар фаолияти ҳам такмиллашиб борди. 1999 йилда Республика бўйича 2600 га яқин клуб муассасалари иш олиб борди. Улардаги 13599 хаваскорлик бадий жамоаларида 215156 нафар иқтидорли ёшлар ўз маҳоратларини оширдилар.² Шу билан бирга Маният ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услугият маркази томонидан аҳолига маданий хизмат кўрсатиш фаолиятини бошқариш услубининг янги моделини акс эттирувчи “Қишлоқ маданияти маркази Низоми” ишлаб чиқилди. Бу нарса, айниқса, Андижон вилоятида юксак самара берди.³

Ўзбекистон маънавий ҳаётида театр санъатининг ўрни ва роли бениҳоя ката. Истиқлол йилларида ўзбек театрининг ижтимоий-маънавий қиёфаси тубдан ўзгарди. Агар собиқ игтифоқ тузуми даврида Ўзбекистон театрлари асосан собиқ каммунистик макура тарғиботчиси сифатида аҳамиятга эга бўлган бўлса, энди у фуқаро ва жамият ижтимоий-маънавий қизиқишларни таминлайдиган маърифий масканга айланди. Театрнинг ўзбек миллий маданияти, тарихи, миллий анъаналар, буюк шахслар фаолиятига доир асрлар сони кўпая борди. 1990 йилларда Республикадаги 34 та театр энг аввало ўзининг репертуар, томошабин драматургия муаммоларини ҳал қила олдилар. Биргинина 1995-1997 йилларда 313 янги сахна асарлари пайдо бўлди.⁴

Ўзбек миллий академик театири, А.Ҳидоятлов номли театр, А.Мажидий номидаги Каттакўғон театири, Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали

¹ ЎзР МДА. М-7-фонд, 1-рўйхат, 367-иш, 60-варок.

² Маданий-маърифий муассалар фаолиятининг 1998-1999 йиллардаги асосий кўрсаткичлари. –Т., 1999. –Б. 8.

³ Андижоннома. 1993. 14 сентябр.

⁴ Абдурахимов Б. Художественная культура Узбекистана XX век. –Т.: 2000. –Б. 13.

драма ва комедия театрларида Амир Темур, Ал-Фарғоний, Ал-Бухорий каби буюк сиймолар ҳақидаги кўхна сахна асарлари яратилди.¹ Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларда мамлакатимизда театр санъатини ривожлантишнинг янги шакли сифатида турли республика, минтақавий, халқаро театр фестивалларини ўтгазишга алоҳида эътибор қаратилди. “Наврўз-92” минтақавий, “Театр: Шарқ-Ғарб-93”, “Хумо-98” каби халқаро, шунингдек, “Кўғирчоқ театрлари-95” фестиваллари ҳам маданий ҳаётда катта воқеа бўлди.

Маълумки, 1998-йилда маданият ишлари вазирлигининг театр ташкилотлари, Республикада Театр арбоблари уюшмаси негизида Маданият ишлари вазирлиги тизимида “Ўзбек театр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг қошида театр ижодкорлари уюшмаси ташкил этилди. Бундай ҳол ўзбек ва бошқа халқлар миллий театрлари ишининг самарадорлини оширишда ката аҳамиятга эга бўлди².

Шундай ижодий ўзгаишлар мусиқий-қўшиқчилик соҳасида ҳам амалга оширилди. Мамлакат ҳукумати ушбу санъат соҳасини ҳам моддий ҳам манавий жиҳатдан доимо қўллаб қувватлаб турди. Халқимизнинг қўшиқ санъатига қизиқишини этиборга олган ҳолда 1996-йил 27-августда Президентнинг “Ўзбекистон-Ватаним маним” қўшиқ байрами ҳақидаги махсус фармони чиқарилди. Фармонга биноан ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси “Ўзбекистон – Ватаним маним ” қўшиқ байрами кун деб элон қилинди. Биргина шу йилнинг ўзида 4269 янги қўшиқлар, куйлар яратилди.³ Буларнинг барчаси ушбу санъат соҳасининг оммавийлашиб бораётганлигидан далолат беради.

Шунингдек, истедодли ёшларни қўллаб-қуватлаш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2000-йил “Ниҳол” мукофоти тасис этилди, “Ниҳол-2000”

¹ Ўзбекистон маданияти ва санъати. 1992 йил. 24 январ.

² Ўзбекистон санъати (1991-201 йиллар) // Таҳрир хайати: Х. Караматов, Н. Жўраев, Т. Қўзиев ва бошқалар. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б. 145.

³ ЎзР МДА. М-7-фонд, 1-рўйхат, 367-иш. 47-вароқ.

мукофотиға тафсия этилган 36 номзод ижодий фаолияти махсус кенгаш томонидан ўрганилди ¹. Севара Назархон, Тохир Содиков, Иззатилла Иброҳимов, Абдулзиз Карим, “Сетора” гуруҳи, Нилуфар Рахматова, “Ниҳол-2000” мукофоти берилди. Шунингдек, 2000-йили ёзувчилар ва бастакорлар уюшмалари, “Ўзбекнаво” гастрол-кансерт бирлашмаси, оммавий ахборот воситаларининг демакратлаштириш ва қўллаб-қуватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, “Офарин” йилининг энг яхши ижодкори танловини ўтгазишга қарор қилдилар. Бундай танлов анъанвий бўлиб қолди ².

Мамлакат маънавий ҳаётида таълим тизимидаги ислохотларнинг ўрни алоҳидадир. 1992 йил 2 июлда Олий Кенгаш қарорига биноан “Таълим тўғрисида”ги қонун қабул қилинган эди. Аммо бундай қонун концептуал аснода ўз такомилдан йироқда эди. Унда халқимиз менталитети, жаҳон андозалари, ўтиш даври хусусиятлари етарли равишда эътиборга олинмаган эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Олий Мажлиснинг 1997-йил 29-августдаги 9-сессиясида “Таълим тўғрисида”ги қонун ва кадрлар таёрлаш миллий дастури қабул қилиди. 5 миллиондан ортиқ ўқувчи таълим оладиган 9000 мингдан ортиқ умумий ўрта таълим, 258 та ўрта-махсус ўқув юртлари, 68 та ўқув юртларида таълим ислохотлари амалга оширилмоқда, 2000-йил июл ойида давлат таълим стандартлари жорий этилди. Бакалаврият йўналишида 250 та йўналиш синаб кўрилди.

Олий таълим халқаро талабларга жавоб бера бошлади. Фақат истиқлол-йилларида 100 мингдан ортиқ мутахассислар тайёрланди. Олий таълим тизимида 25 мингдан кўпроқ профессор-ўқитувчилар меҳнат қилмоқдалар. ³ Истиқнои йилларида меморчилик, тасвирий, амалий санъат ҳам ривож топди. Ҳайкалторошлик, дастгоҳли ранг тасвир, дизайн, бадиий матолар, график, маҳобатли ранг тасвир, ганчкорлик санъатида миллий ва умуминсоний

¹ Мамадалиев Ф. Миллий мусика ижрочилиги масалалари. – Т. Б. 48.

² Ўзбекистон санъати (1991-201 йиллар) // Таҳрир хайати: Ҳ. Караматов, Н. Жўраев, Т. Қўзиев ва бошқалар. – Т.: “Шарк”, 2001. – Б. 104.

³ Гафарали М., Касаев А. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик асоси. –Т.: 2001. – Б. 400-401.

кадриятлар уйғунлиги якқол сезилмоқда¹. Бундай ҳол телевидиня, радио, бадиий кино, цирк ва бошқа санъат турларида ҳам ўз аксини топади.

Шундай қилиб, хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки мустақиллик йилларида бозор муносабатининг табиий қийинчиликлари, ўтиш даврининг ўзига ҳос хусусиятларига қарамадан мамлакатимизда маданий ислохотлар борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Бироқ, бажарилиши керак бўлган ишлар ҳали жуда кўп. Маданият масканлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар самардорлигини ошириш, манавий ҳаёт демократлаштириш, санъаткорлар ижтимоий обройини ошириш ҳозирги кундаги муҳим масаладир. Мамлакатимиз ҳукумати томонидан олиб борилаётган жиддий маданий сиёсат, шубҳасиз, юқоридаги вазифаларни ҳал этиш имконини беради.

¹ Туленов Ж. Фалсафий маданият ва маънавий камолот. – Т.: “Меҳнат”, 2000. – Б. 31.

1.2. Ўзбекистон Республикасида маданий жараёнларнинг ҳуқуқий асослари

Истиклол туфайли жамиятимизда содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий, маданий ўзгаришлар театр санъатига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, маданият соҳасининг ривожланишига мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ҳукматимиз томонидан эътибор қаратилди. Бу борада Президентимиз И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш ва унинг фаолиятини яхшилаш тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги ПФ–360-сон Фармони эълон қилинди. Кейинчалик 2004 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3491-сонли фармони¹ эълон қилинганидан сўнг маданият ва спорт соҳасини бошқариш ва ташкил этиш тизими тубдан ўзгартирилди.

Ушбу фармонда маданият ва спортни ривожлантириш муаммоларини комплекс тарзда ҳал этиш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва баркамол шахсларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат туйғусини сингдириш, аҳолининг маданий ва эстетик талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, шунингдек маданият ва спорт соҳасини бошқаришни такомиллаштириш, бу соҳада давлат сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш даражасини кўтариш мақсади белгиланди².

Шунингдек, фармонда “1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси тугатилиб, уларнинг негизига Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил қилинсин.

¹ “Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3491-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 38-39-сон, 422-модда. // www.Lex.uz

² Ўша манба. www.Lex.uz

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятининг асосий вазифалари ҳамда йўналишлари этиб белгилансин:

– маданият ва оммавий спорт соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, халқнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, асрлар мобайнида шаклланган юксак маънавиятни, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва уйғун камол топган шахсларни вояга етказиш борасидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

– миллий истиқлол ғоясидан, Ўзбекистон халқининг маданий ва маънавий-ахлоқий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда аҳоли ўртасида маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини амалга ошириш, одамларнинг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш;

– театр, мусика, хореография, тасвирий санъат, цирк, халқ амалий ва эстрада санъатини янада ривожлантириш, уларнинг ғоявий-бадиий ва маънавий савиясини ошириш, халқ тарихининг энг ёрқин саҳифаларини ва унинг ҳозирги ҳаётини, мамлакатнинг эркин демократик тараққиётини ёритиб берадиган асарлар яратишда ижодий жамоаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

– маданий-оммавий ва байрам тадбирларининг чуқур ғоявий мазмун билан бойитилишини таъминлаш, республиканинг ижодий уюшмалари ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз таланти ва истеъдодларини тўла намоён этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

– жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш, аҳолини, биринчи навбатда ёшлар ва болаларни спорт билан шуғулланиш зарурлигини англаш руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат

иштиёқини сингдириш, ёшларни меҳнатга ва республика қуролли кучларида хизмат қилишга тайёрлаш;

Олимпия ўйинларида, жаҳон ва осие чемпионатларида, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қиладиган ва юқори спорт натижаларига эриша оладиган юксак маҳоратли спортчиларни тайёрлаш мақсадида олимпия захираси муассасаларини қўллаб-қувватлаш ва зарур шарт-шароитларни яратиш, жумладан, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

– халқ ўйинлари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил қилиш ва ўтказиш;

– турар-жойлар ва маҳаллаларда маданий-маърифий фаолиятни, аҳолини маданий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашни ташкил қилишда, физкультура соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини ўтказишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ўқув юртлари, маҳаллий ҳокимият органлари билан фаол ҳамкорлик қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш;

– давлатлараро ва халқаро маданий ҳамда спорт алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, конференция, кўрғазма ва спорт мусобақалари ўтказиш, маданият, санъат ва спорт соҳасига хорижий инвестиция ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш;

– маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари, объект ва иншоотларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан имконият даражасида тўла ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

– маданият ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш, республика маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари, ўқув юртларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш;

– профессионал, халқ ва ҳаваскорлик ижодиётини, оммавий спорт ва жисмоний тарбияни, оммабоп маданий-маърифий ва спорт дастурларини кенг қўламда тарғиб қилиш, шунингдек маданият ва спорт соҳасида оммабоп

адабиётларни чоп этиш ҳамда видео ва кино материаллар чиқариш”¹ таъкидлаб ўтилган.

Шунингдек, ушбу фармонга асосан “Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг 455-сонли Қарори² ва “Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Вазирлар Маҳкамасининг 96-сонли Қарори³ эълон қилинди.

Юқорида таъкидланган низомда “Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари ҳисобланади:

– маданият ва оммавий спорт соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, халқнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, асрлар давомида шаклланган юксак маънавиятини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва уйғун камол топган шахсларни тарбиялаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

– миллий истиқлол ғоясидан, Ўзбекистон халқининг маданий ва маънавий-ахлоқий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда аҳоли ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини амалга ошириш, одамларнинг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш;

– театр, мусиқа, хореография, тасвирий санъат, цирк, халқ амалий ва эстрада санъатини янада ривожлантириш, уларнинг ғоявий-бадиий ва маънавий савиясини ошириш, халқ тарихининг энг ёрқин саҳифаларини ва унинг ҳозирги ҳаётини, мамлакатнинг эркин демократик тараққиётини

¹ “Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3491-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 38-39-сон, 422-модда. // www.Lex.uz

² Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 40-41-сон, 436-модда; 2005 й., 14-сон, 104-модда. // www.Lex.uz

³ Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг 96-сонли Қарори. // www.Lex.uz

ёритиб берадиган асарлар яратишда ижодий жамоаларга ҳар томонлама кўмаклашиш;

– маданий-оммавий ва байрам тадбирларининг чуқур ғоявий мазмун билан бойитилишини таъминлаш, республиканинг ижодий уюшмалари ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз таланти ва истеъдодларини тўла намоён этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш; жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш, аҳолини, биринчи навбатда ёшлар ва болаларни спорт билан шуғулланиш зарурлигини англаш руҳида тарбиялаш, уларга соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат иштиёқини сингдириш, ёшларни меҳнатга ва республика қуроли кучларида хизмат қилишга тайёрлаш;

– Олимпия ўйинларида, жаҳон ва Осиё қитъаси чемпионатларида, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қиладиган ва юқори спорт натижаларига эриша оладиган юксак маҳоратли спортчиларни тайёрлаш учун олимпия захираси муассасаларини қўллаб-қувватлаш ва зарур шарт-шароитлар яратиш, жумладан, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

– республикада болалар спорти ҳаракатини ривожлантиришга кўмаклашиш;

– «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» узлуксиз спорт мусобақаларининг уч босқичли тизимини ташкил этиш ва ўтказиш;

– миллий спорт турлари бўйича халқ ўйинлари, мусобақалар ташкил қилиш ва ўтказиш;

– турар жойлар ва маҳаллаларда маданий-маърифий фаолиятни, аҳолини маданий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашни ташкил қилишда, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини ўтказишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ўқув юртлари, маҳаллий ҳокимият органлари билан фаол ҳамкорлик қилиш ва уларга кўмаклашиш;

– давлатлараро ва халқаро маданий ҳамда спорт алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, конференциялар, кўргазмалар ва спорт мусобақалари ўтказиш, маданият, санъат ва спорт соҳасига хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш ишларини ташкил қилиш;

– маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари, объектлари ва иншоотларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан энг юқори даражада тўлиқ ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

– маданият ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш, республика маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасаларини, ўқув юртларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш;

– профессионал, халқ ва хаваскорлик ижодиётини, оммавий жисмоний тарбия ва спорт, оммабоп маданий-маърифий ва спорт дастурларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек маданият ва спорт соҳасида оммабоп адабиётларни чоп этиш ҳамда видео ва кино материаллар чиқариш”¹ кўрсатиб ўтилган.

“Вазирлик тизимиغا Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари, туман (шаҳар) маданият ва спорт ишлари бўлимлари, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси, «Ўзбекдавлатцирки» республика бирлашмаси, «Ўзбекмузей» республика жамғармаси ҳамда Вазирликка қаршли бошқа маданият, спорт ва таълим муассасалари киради”² деб таъкидланган.

Ўзбек театри ривожидан давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида қаралаётгани бу йўлдаги ишларнинг янада ривожланишига сабаб бўлмоқда. Дастлаб бу соҳада 1992 йил 13 январда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат театрлари ва концерт ташкилотларининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг 96-сонли Қарори. // www.Lex.uz

² Ўша манба. www.Lex.uz

мақоми тўғрисида”ги 11-сонли Қарори қабул қилинди¹. Ушбу қарорда Республикада театр ва концерт фаолиятини бошқариш тузилишини такомиллаштириш, театр-томоша муассасаларини шартнома (битим) муносабатлари тизимига ўтказиш, ўзбек миллий ва жаҳон театри ҳамда муסיқасининг энг яхши намуналарини тарғиб қилишни янада ривожлантириш, муסיқавий-эстетик тарбияни ва аҳолига маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсад назарда тутилган эди². Мамлакатимиз Президентининг “Ўзбек театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги 1998 йил Фармони миллий театр санъатининг истиқболини белгилаб берган ҳужжат бўлди. Ушбу тарихий Фармонда театр санъати зиммасига қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан Ўзбекистан Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарор натижасида юзага келган ташкилот ўз фаолиятини миллий томоша ва театр санъатининг энг яхши анъаналарини асраб авайлашга ҳамда бойитишга йўналтирди. Бирлашма раҳбарлигида театр жамоалари уз фаолиятларини тўғри ташкил этиб, тадбир-корлик ва ишбилармонлик билан иш юритган ҳолда бадиий баркамол сахна асарлари яратиш йўлида изланмоқдалар.

Ўзбекистон киносанъатининг ривожини учун Республикаимизнинг мустақиллиги кенг йўл очиб берди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилиёқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги Фармони билан кино соҳасининг алоҳида тармоқ тизими сифатида қайтадан тикланиши, 1996 йил 29 апрелдаги Фармонга асосан "Ўзбеккино" давлат-акционерлик компаниясининг тузилиши ана шу рамхўрликнинг амалий натижасидир. Ҳозирги кунга келиб кино соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш янада юқори босқичга ўтди. Миллий кино санъатимиз ривожини учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилиб, ишлаб-чиқариш базасини ривожлантириш учун кенг йўл очиб берилди. Ҳар йили миллий кино

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат театрлари ва концерт ташкилотларининг мақоми тўғрисида”ги 11-сонли Қарори. Тошкент. 1992 йил 13 январ.

² Ўша манба. www.Lex.uz

эҳтиёжлари учун давлат бюджетидан кафолатланган мақсадли маблағлар ажратилиб, кўшимча сармоялар жалб этиш учун зарур қонуний шарт-шароитлар яратилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги Фармони билан кино соҳасининг алоҳида тармоқ тизими сифатида қайтадан тикланиши, 1996 йил 29 апрелдаги Фармонга асосан “Ўзбеккино” Давлат Акционерлик Компаниясининг тузилиши миллий кино санъати ривожига муҳим босқич бўлди. Кино санъатининг ривожланиши кейинги йилларда ҳам ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган бир қатор қарорлар асосида амалга оширилди¹.

Хусусан, “XII Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорида “Ўзбек халқининг миллий маданиятини ва маънавий-ахлоқий қадриятларини тарғиб қилиш, миллий онг, миллий тафаккурни шакллантириш, истиқлолга садоқат ва Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтириш ҳамда башариятнинг маънавият хазинасини беаган юксак инсоний фазилатларга чуқур эҳтиромни барқарорлаштиришда кино санъатининг ролини ошириш, кинематографчиларнинг тинчлик ва ҳамжиҳатлик йўлидаги халқаро алоқаларини ривожлантириш мақсадида 1997 йил май ойининг учинчи ўн кунлигида XII Тошкент халқаро кинофестивали(ТХКФ)ни ўтказиш”² белгиланди.

Кино санъати соҳасини ривожлантириш ишлари кейинчалик ҳам давом эттирилиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 16 мартдаги

¹ «ЎЗБЕККИНО» миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 17.03.2004 йилдаги 126-сон. Манба: ЎР ҚХТ, 2004 й., 11-сон, 128-модда; “Киновидео фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган махсус рухсатнома (лицензия) бериш ва рўйхатга олиш тартибини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш” ҳақида «ЎЗБЕККИНО» миллий агентлиги бош директорининг буйруғи 04.04.2008 йилда рўйхатдан ўтган. Манба: ЎР ҚХТ, 2008 й., 14-15-сон, 108-модда; “Кино, радио ва телевидение ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа яққа тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларини тасдиқлаш” ҳақида Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи 20.01.2010 йилда рўйхатдан ўтган. Манба: ЎР ҚХТ, 2010 й., 3-4-сон, 25-модда; XII Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 08.02.1997 йилдаги 70-сон.

² XII Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 08.02.1997 йилдаги 70-сон. // www.Lex.uz

ПФ–3407-сон Фармони эълон қилинди ва унинг асосида 2004 йил 17 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “ЎЗБЕККИНО” Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 126-сонли Қарори¹ қабул қилинди. Ушбу қарорда кинематография соҳасидаги республика ва ҳудудий органлар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш, кино ва видео маҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш ҳамда намойиш этиш тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсади кўзда тутилган эди².

Қолаверса, қарорда “«Ўзбеккино» Миллий агентлиги учун 2005 йилдан бошлаб қуйидаги йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларининг истиқболли кўрсаткичлари белгилансин:

- 15 та тўла метражли бадиий кинофильм яратиш;
- 40 қисмдан иборат 20 та ҳужжатли ва илмий-оммабоп, 10 та мультипликацион кинофильм ва 60 соатлик маънавий-маърифий, ўқув-услубий видеофильмлар ишлаб чиқариш;
- ҳар бир яратилган бадиий кинофильмдан дубль-негатив тайёрлаш ва вилоятларда кенг намойиш этиш учун 15 нусхадан, жаҳон бозорига чиқариш учун чет тиллардаги субтитрлар билан 2 нусхадан кўпайтириш.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси» компанияси билан ҳамкорликда 2005 йилдан бошлаб кўшимча равишда ўз даромадлари ва ҳомийлик маблағларини жалб этган ҳолда, замондошларимиз ҳаёти, ижтимоий ва маърифий соҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар тўғрисида ҳикоя қилувчи бадиий кино ва видеофильмлар, телесериаллар ишлаб чиқариш ва намойиш қилишни йўлга қўйсин»³ деб таъкидланган.

¹ «ЎЗБЕККИНО» миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 17.03.2004 йилдаги 126-сон. Манба: ЎР ҚХТ, 2004 й., 11-сон, 128-модда. // www.Lex.uz

² Ўша манба. // www.Lex.uz

³ «ЎЗБЕККИНО» миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 17.03.2004 йилдаги 126-сон. Манба: ЎР ҚХТ, 2004 й., 11-сон, 128-модда. // www.Lex.uz

Сўнги ўн йилликда миллий бадий кинода кечаётган маънавий янгиланишлар жараёнини аввалам бор, экранларга чиқаётган фильмларнинг мавзувий йуналишида, уларда акс этаётган тарихий ҳақиқат, ўзликни англаш масалаларининг касб этган долзарблигида кузатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ҳумати томонидан маданият соҳасининг ривожлантириш учун зарур бўлган замин – унинг ҳуқуқий асоси яратилди. Юқорида таъкидланган бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари, президент фармони ва ҳукумат қарорлари соҳанинг ҳуқуқий асосини яратиш баробарида унинг ривожланиши ва тараққиётини кафолатловчи ўзига хос замин бўлди. Аммо маданият ва санъат соҳасининг ҳуқуқий асослари яратилган бўлишига қарамай ҳали бу борада қилинажак талайгина ишлар мавжуд. Хусусан маданият ва санъат соҳасининг ҳозирги кунда долзарб муаммоларидан бири бу маданият ва санъат намуналари яний мусиқа, клип ва кино намуналарининг ноқонуний кўпайтирилиб сотувга чиқариш – медиа қарорчиликга қарши яхлит бир қарши кураш чора тадбирлари мукамал ҳолга келтирилмаган. Бу муаммо келажакда ўз ечимини топиши лозим.

Юқоридаги қонун ва қарорлар соҳани ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатларини белгилаб берувчи муҳим восита бўлди. Буни натижаси ўлароқ маданият соҳасида мустақиллик йилларида туб ўзгаришлари юз бера бошлади.

2.1. Мустақиллик йилларида маънавий маданиятнинг ривожланиши

Mustaqillik yillarida tarixiy madaniy va manaviy merosimizni asrash bo'yicha turli qarorlar qabul qilingan bo'lib bular asosida viloyatdagi madaniy marifiy tadbirlar rejasi, ularning o'tkazilish tartibi va masul tashkilotlar bilan hamkorlikda qilinadigan ishlar jadvallari ishlab chiqildi. O'zbekistonda erkin fuqarolik jamiyatini shakllantirishdan maqsad O'zbekistonda "ozod, o'z haq - huquqlarini yaxshi taniydigan, boqimandalikning har qanday ko'rinishlarini o'zi uchun or deb biladigan, o'z kuchi va aqliga ishonib yashaydigan, ayni paytda o'z shaxsiy manfaatlarini xalq xalq, Vatan manfaatlari bilan uyg'un holda ko'radigan komil insonlarni tarbiyalashdan iboratdir"¹, degan bu so'zlar O'zbekistonning mustaqilligi yillarida komil insonni tarbiyalash, erkin fuqarolik jamiyatini qurish yo'lidagi amalga oshirilishi lozim bo'lgan muhim vazifalardan biri edi.

Mustaqillik yillari Buxoroning 2500 yillik yubileyi va uning nishonlanishi munosabati bilan ko'plab turli tadbirlar ro'yxati hisoblab chiqildi. SHu asnoda viloyatning 1996-2000 yillarda tarixiy yodgorliklarni qayta tamirlash ishlari jadvali ishlab chiqilishi uchun tayyorgarlik ishlari boshlab yuborildi. Prezidentimiz I.A.Karimov "Biz xalqni nomi bilan emas, balki madaniyati, manavyati orqali bilamiz, tarixining tag-tomirlariga nazar tashlaymiz",² deb bejizga takidlab o'tmaganlar. CHunki har bir xalqning madaniy-manaviy rivoji, uning kelajak taraqqiyotiga alohida kuchli tasir qiladi. Mustaqillikning ilk kunlaridanoq ko'hna shaharlarimizga ularning madaniy-manaviy rivojiga alohida etibor berila boshlandi. Xususan Buxoro, Xorazm, Navoiy, Qarshi, SHahrisabz kabi shaharlarda tarixiy madaniyatimizga bo'lgan etibor va bu shaharlarning yubiley tantanalarining nishonlanishi munosabati bilan madaniy-manaviy hayot yanada jonlandi, deyishimiz mumkin. Prezidentimiz tomonidan shaharlarimizning tarixiy madaniy rivojlanish yo'liga alohida etibor qaratgan holda, har bir shaharning manaviy qiyofasini yanada jonlantirish bo'yicha turli tadbirlar o'tkazilishini ko'zda tutilib qarorlar qabul qilindi. "Xalq va uning madaniyatini saqlab qolish, uni tiklash va

¹Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7 – жилд, - Т.: Ўзбекистон, 1999. – 301 бет.

² Ўзбекистон амалий санъати. 2003. –Б. 7.

rivojlantirish madaniyatni qayta taraqqiy qildirishning asosiy vositasi”¹, YUNESKONing madaniyat sohasidagi asosiy tamoyiliga aylangan bu model mamlakatimiz bo'yicha ham asosiy ustuvor yo'nalish sifatida qaralib tarixiy madaniyatimizga bo'lgan etibor yanada kuchaydi.

Ma'naviy-ma'rifiy jihatdan taraqqiy etish har bir mustaqil davlatning ustuvor sohasi hisoblanadi. O'zbekiston ham o'z mustaqilligini qo'lga kiritgach, bu soha rivojiga muhim e'tibor qaratdi. Chunki sobiq tuzum va uning yakka hukmron mafkurasi asoratlaridan qutulmasdan milliy merosimiz, milliy qadriyatlarimizni tiklash, osori-atiqalarimizni asrash, o'zligimizni to'liq anglash uchun qadimiy boy tariximizni to'laqonli yoritish mumkin emas edi.

Prezident I.A.Karimovning: "... eski tuzumdan ogir meros bo'lib qolgan ana shunday illatlarga, el yurtimizga nisbatan kamsitish va milliy manfaatlarimizni mensimaslik holatlariga barham berish, ko'hna qadryatlarimiz, dinu diyonatimizni tiklash, hayotimizda tarixiy adolatni qaror toptirish, yangi jamiyat qurish yo'lida xalqimizning ma'naviy yuksalishini o'z oldimizga qo'ygan olijanob maqsadlarga etishda hal qiluvchi mezon deb qarash va shu asosda ish olib borish biz uchun doim ustuvor vazifa...,har qaysi millat yoki xalqning ma'naviyati uning bugungi hayoti va taqdirini, o'sib kelayotgan farzandlarining kelajagini belgilashda shakshubxasiz hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi.", degan fikrlarining o'zi yurtimizda xalq ma'naviyatini yuksaltirish ustuvor vazifa qilib qo'yilganligini ko'rsatib turibdi.

O'tgan 22 yildan ortiq davr mobaynida yurtimizda ma'naviyatimizni tiklash va uni yanada boyitib yuzasidan ulkan ishlar amalga oshirildi. Ko'p asrlik ma'naviy va madaniy merosimizni davlat mustaqilligi qo'lga kiritilgan kunlardan boshlab, boy ma'naviy va madaniy merosga voris xalq ekanligimizni anglatish va bu bilan faxrlanish yo'lida qator tadbirlar amalga oshirildi. "Asrlar davomida inson aqlu-zakovati bilan bunyod etilgan boy manaviyat tufayli xalqimiz mag'rur yashadi, biz ajdodlarimizning ulkan madaniy merosini yoshlarga etkazib

¹ Курбонов М. Миллий тарбия.-Т.: Маънавият, 2007. –Б.6.

berishimiz kerak,”¹ deb bejizga takidlab o'tilmagan. Boisi har bir xalqning rivojlanishida uning tarixi asosiy ahamiyat kasb etadi. Aynan mustaqillik tufayli ulug' ajdodlarimiz, ular yaratgan bebaho ilmlar, jahon fani va madaniyatiga beqiyos katta hissa bo'lib qo'shilgan asarlarini teranroq o'rganish imkoniyatlari yuzaga keldi. Ulug' ajdodlarimiz Imom at-Termiziy, Ahmad YAssaviy, Imom al-Buxoriy, Bahouddin Naqshband, Mahmud Zamaxshariy, Xo'ja Ahror Valiy va boshqa islom olamining allomalari hayoti va ijodi o'rganilib, ularning o'lmas asarlari xalqimiz ma'naviy xazinasiga qaytarildi. Zeroki “Hozirgi yoshlarda Imom Buxoriy, Beruniy, Navoiy kabi o'chmas siymolarimizning qoni oqmoqda”,² shuning uchun ham ular manavyatini o'rganish juda ham muhimdir.

Zotan, bu buyuk siymolar odamlar ongiga poklik halollik diyonat, adolat singari umuminsoniy qadriyatlarni singdirishib, kishilik jamiyatining ezgulik yo'lidan taraqqiy topishiga ulkan qissa qo'shdilar.

SHuningdek madaniy-manaviy rivojlanish yo'lida qadimiy tarixchiligimiz bo'yicha A.Temur faoliyatini alohida takidlab o'tishimiz lozim. Prezidentimiz “Amir Temur madaniyat uchun zaxmat chekkan buyuk shaxs”,³ deb alohida takidlab o'tganlar. Va buyuk soxibqiron, o'zbek davlatchiligi rivojiga ulkan qissa qo'shgan ulug' bobomiz hayoti va faoliyatini xolis va ilmiy o'rganishga alohida etibor qaratib o'tdilar. “Amir Temur faoliyatini o'rganish juda ham muhim, chunki avlodlarga madaniy merosning masalasi soxibqiron hayotida asosiy o'rin tutgan”.⁴

Buyuk Soqibqiron tavalludining 660 yilligini nishonlash munosabati bilan Temur va temuriylar davri tarixi, adabiyoti va san'atiga bagishlangan yangi-yangi tadqiqotlar yuzaga keldi. «Temur tuzuklari»ning nashr etilishi buyuk

¹ Hasanboyev J, Turonova M Manavyat axloqiy tarbiya asoslari.-T.: G'ofur G'ulom nimidagi Adabiyot va San'at 2010. –B. 3

² Давлат, жамият, оила ёшларн тарбияси муаммолари.-Т.:Ўзбекистон,1997. –Б. 3.

³ Каримов И. Амир Темур хайкалининг очилишига бағишланган тантанада 1993 йил 31 августдаги сўзлаган нутқи, “Ўзбекистон овози” 1993 йил 1-сентябр; Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат.-Т.:Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат. 1996. –Б. 20; Амир Темур ривоят ва ҳақиқат –Т.: Қомуслар, 1996. –Б. 93.

⁴ Эргашев Қ. Амир Темур шахсини ўрганиш.-Т.:Манавят, 1998. –Б. 5.

Sohibqironning shaxsini teranroq anglashga yordam bergan bo'lsa, SHarafiddin Ali YAzdiyning «Zafarnoma» asari, SHomiyning «Zafarnoma»si, Ibn Arabshohning ikki jildlik «Amir Temur tarixi» kitoblarining chop etilishi buyuk bobokalonimiz hayoti va amalga oshirgan ishlarini to'laroq miqyosda idrok etishga imkon yaratdi.

SHuningdek mustaqillik yillarida al-Farg'oniy, al-Forobiy, al-Xorazmiy, Ibn Sino, al-Beruniy, Mirzo Ulug'bek singari buyuk siymolarning ilmiy merosi keng miqyosda tadqiq etila boshlandi. Ularning yaratgan asarlari asl nusxada yoki tarjima etilib, xalqimizga etkazilmoqda. Bularning barchasi, shuhhasizki, ma'naviy hayotimizning tobora boyib borayotganidan dalolat beradi.

Ushbu ma'naviy xayotimizni boyituvchi omillar xalqimiz tomonidan bunyod etilgan madaniy boyliklar bo'lib, ulardan jamiyatimiz fuqarolarining ma'naviy ehtiyojini qondirish yo'lida oqilona foydalaniladi. Qilingan va qilinayotgan ishlarning barchasi xalq ma'naviyatini yuksaltirishi borasida olib borilayotgan ishlardir.

Prezident I.A. Karimov o'zining "YUksak ma'naviyati-engilmas kuch" asarida ma'naviy merosimizning o'rniga alohida e'tibor qaratadi. Aynan unda "yoshlarni yuksak manavyatli qilib tarbiyalash doimo muhim masaladir",¹ deb takidlab o'tganlar. Asarda bugungi kunda ma'naviyatimizga ta'sir o'tkazadigan barcha omil va mezonlar chuqur taxlil qilinib, har qaysi xalq yoki millat ma'naviyatini uning tarixi, o'ziga xos urf-odat va an'analari, hayotiy qadriyatlaridan ayri qolda tasavvur etib bo'lmasligani alohida ta'kidlaydi va ma'naviy meros, madaniy boyliklar, ko'hna tarixiy yodgorliklar bu boradagi eng muhim omillar sifatida ko'rsatiladi. Ajdodlarimiz tafakkuri va dahosi bilan yaratilgan eng qadimgi toshyozuv va bitiklar, xalq ogzaki ijodi namunalaridan tortib, bugungi kunda kutubxonalarimiz xazinasida sakqlanayotgan ming-minglab qo'lyozmalar, ularda mujassamlashgan tarix, adabiyot, san'at, siyosat, axloq, falsafa, tibbiyot, matematika, mineralogiya, kimyo, astronomiya, me'morlik,

¹Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat- yengilmas kuch.-T.:Ma'naviyat, 2008. –B. 55.

deqqonchilik va boshqa sohalarga oid qimmatbaho asarlar bizning buyuk ma'naviy boyligimiz ekani gurur bilan ta'kidlanadi.

YUrtimiz insoniyat sivilizatsiyasining qadimiy o'choqlaridan biri. Bu tabarruk zamindan ne-ne buyuk zotlar, olimu ulamolar, siyosatchi va sarkardalar etishib chiqib, dunyo ilmu fani rivojiga buyuk hissalarini qo'shganlar. Qadimiy ajdodlarimizning bunyodkorligi tufayli yaratilgan to'rt mingdan ziyod moddiy-madaniy obidalar umumjahon merosining noyob namunalari sifatida YUNESKO ro'yxatiga kiritilganligi ham madaniy-ma'naviy ahyot yurtimizda nechog'lik muhim ahamiyat kasb etishini yorqin namunasi deyishimiz mumkin. Prezidentimiz I.A.Karimov "Markaziy Osiyo madaniy va manaviy merosini o'rganish hamda qayta tiklashga doir maxsus qarorini o'rganish hamda qayta tiklashga doir maxsus dasturni ishlab chiqish va malga oshirishda YUNESKOning qo'shgan ulushini O'zbekiston yuksak darajada baholaydi"¹, deb alohida takidlab o'tganlar.

SHuningdek Prezidentimiz I.A.Karimov o'z asarida milliy bayramlarimiz haqida to'xtalib ma'naviy merosimiz - xalqimiz uchun eng qadimiy, milliy bayram - Navro'z ayyomini hayot abadiyligi, tabiatning ustuvor qudrati va cheksiz saxovatining, ming yillik milliy qiyofamiz, olijanob urf-odatlarimizning betakror ifodasi, deb ta'riflaydi. CHunki "Navro'z uch ming yildan ortiq vaqt davomida musulmon olamida nishonlanib kelinadi, uning asl ma'nosi ham "yangi kun" bo'lganligi bois xalqimiz manaviy hayotida yuksak o'rin tutadi".² Uni xalqimizga mansub odamiylik, mehr-oqibat, muruvvat, ezgulik va qimmatni shakllantiruvchi omil sifatida faxr bilan tilga oladi.

Bugungi kunda buyuk mutafakkir va allomalarimizning islom madaniyati rivojiga qo'shgan betakror qissalari, O'zbekiston zaminida etishib chiqqan qomusiy olimlarimizning bemisl ilmiy-ijodiy kashfiyotlari ma'naviy merosimiz ekanligi gurur bilan so'zlanadi. Ayni paytda buyuk bobolarimizning ma'naviy olami boyligi va uning respublika miqyosida nishonlanayotgan tavalud kunlari

¹ Amir Temur jahon tarixida. -Parij.:1996, -B. 8.

² Суюнов Ф.Наврўз байрами//Элим деб юртим деб ёниб яшаш керак. Илмий мақолар тўплами. - Навоий, 2011. –Б. 108.

qham e'tiborga molikdir. Masalan, o'zbek xalqi ma'naviy dunyosining shakllanishiga goyat kuchli va samarali ta'sir ko'rsatgan ulug' zotlardan biri - Alisher Navoiy tavallud kunlari bugungi kunda respublika miqyosida keng nishonlanib kelinmoqda. "A.Navoiy ijodini o'rganish asnosida shunga amin bo'lishimiz mumkinki u o'z asarlarida insonni shakllantiruvchi eng katta kuch bu xalq manavyati",¹ deb takidlab o'tganlar. Bu orqali hozirgi kundagi ma'naviy hayotga bo'lgan etibor, yoshlarning qiziqishi nuqtai nazaridan o'tmish tariximizni yanada yorqin aks ettirib berish asosiy maqsadlarimizdan hisoblanadi.

Ma'lumki, ma'naviyat va jamiyatning yangilanishida erkin fuqaro ma'naviyatini shakllantirish muhim o'rin tutadi. Bu jarayon mamlakatimizda o'ta murakkab sharoitda - mustabid sho'ro tuzumi barbod bo'lgan va yangicha ijtimoiy munosabatlar qaror topayotgan keskin bir vaziyatda yuz berdi. Vatanga muhabbat tuyg'usi tug'ma xususiyat emas, balki ulg'ayib borish jarayonida shakllanib inson yuragiga chuqur singib boruvchi fazilatdir. Vatani tuyg'usini his qila bilishlik muqaddas tuyg'u va yuksak ma'naviyat belgisi ekanligi to'g'risida gapirib, Prezidentimiz shunday yozadilar: «Barchamizga ma'lumki, inson o'zligini anglagani, nasl-nasabini chuqurroq bilgani sari yuragida Vatanga muhabbat tuyg'usi ildiz otib, ulg'aya boradi. Bu ildiz qancha teran bo'lsa, tug'ilib o'sgan yurtga muhabbat ham shu qadar yuksak bo'ladi». ² SHuningdek xalqimiz ma'naviyatini yuksaltirishda milliy urf-odatlarimiz ham muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ulardagi mehr-oqibat, insonni ulug'lash, tinch va osoyishta hayot, do'stlik va totuvlikni qadrlash, turli muammolarni birgalashib, hal qilish kabi ibratli qadriyatlar jamiyat tafakkurining yangilanishiga kuchli ta'sir qilmoqda.

Yurtboshimiz har bir xalqning o'z milliy qadriyatlarini rivojlantirishda tarixiy xotira aloqida aqamiyat kasb etishini ta'kidlab, "...tarixiy xotira tuyg'usi to'laqonli ravishda tiklangan, xalq bosib o'tgan yo'l o'zining barcha muvaffaqiyat va zafarlari, yo'qotish va qurbonlari, quvonch va iztiroblari bilan xolis va haqqoniy

¹ Эргашев И, Шарипов Б. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. –Т.:Академия,2002. –Б. 53.

² Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch.-T.: Ma'naviyat, 2008. – B. 90.

o‘rganilgan taqdirdagina chinakam tarix bo‘ladi”¹ deb tarixiy xotiraga ta‘rif beradi.

O‘tgan qisqa davrda milliy qadriyatlar, an‘analar, urf-odatlarini tiklash, borasida milliy tarimizni yanada boyitish maqsadida, xalqimiz o‘rtasida turli targ‘ibot va tashviqot ishlari olib borildi. SHuningdek, nomoddiy madaniy meros ob‘ektlarini muhofaza qilish, asrash bo‘yicha chora-tadbirlar belgilandi. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2010 yil 7 oktyabrdagi “2010-2020 yillarda nomoddiy madaniy meros ob‘ektlarini muhofaza qilish, asrash, targ‘ib qilish va ulardan foydalanish davlat dasturini tasdiqlash to‘qrisida”gi qarori bu borada muhim ahamiyat kasb etdi. Dasturda belgilangan vazifalarni sifatli va samarali amalga oshirilishini ta‘minlashga muhim e‘tibor qaratildi. Dasturda belgilangan vazifalar asosida madaniy meros obidalari hamda mustaqillik yillarida amalga oshirilgan bunyodkorlik ishlari bilan tanishtirish maqsadida yoshlarni tarixiy obidalar, muzey va ko‘rgazma zallariga sayohatlari tashkil etildi. “Muqaddas ajdodlarimiz ilmiy merosini o‘rganamiz” rukni ostida ajdodlarimiz qoldirgan ilmiy, badiiy madaniy meroslarini o‘rganish qamda asrab-avaylash borasida amalga oshirilgan ishlarni aks ettiruvchi hujjatli filmlar va video materiallar asosida yurtimizning har bir alloma mutafakkirlar merosining beqiyosligi g‘oyasini yoshlar ongiga singdirib borildi. Bunday tadbirlarning yoshlar o‘rtasida targ‘ibot-tashviqot ishlari muntazam ravishda olib borilishi, yoshlar qalbida milliy boyliklarimizni asrab avaylash, ajdodlar merosini o‘rganish, ularni kelajak avlod vorislariga etkazish, nomoddiy madaniy meros ob‘ektlarini muhofaza qilish, asrash, targ‘ib qilish va ulardan foydalanish singari tushunchalarning paydo bo‘lishiga poydevor bo‘ldi. Zero, ajdodlarimiz tahlikali zamonlarda ham milliy meroslarimizni bizgacha etkazilishida katta jonbozlik qilishgan.

Xalqimizning ma‘naviy dunyosini yuksalishida, milliy qadriyatlarimizning umumbashariy taraqqiyot yutuqlari asosida rivojlanishida tarixiy xotira masalasiga

¹ Karimov I.A. Yuksak ma‘naviyat yengilmas kuch.-T.: Ma‘naviyat, 2008. – B. 97.

alohida e'tibor qaratildi. Mustabid tuzum davrida istiqlol yo'lida jon fido etgan ajdodlarimiz merosi haqqoniy o'rganildi. 2000 yilda shahidlar xotirasi xiyoboni va keyinchalik shu nomda muzey va jamg'arma tashkil qilindi. 2001 yildan e'tiboran 31 avgust yurtimizda qatag'on qurbonlarini yod etish kuni sifatida nishonlanadigan bo'ldi. 9 may g'alaba kuni sanasini jamoatchilik taklif va mulohazalari asosida mamlakatimizda xotira va qadrlash kuni sifatida nishonlashga qaror qilindi. SHu munosabat bilan poytaxtimizda, viloyat va tumanlarda sovet mafkurasini o'zida aks etgan yodgorliklar o'rnida xalqimiz ruhi va qarashlarini o'zida mujassam etgan xotira maydonlari tashkil etilib, motamsaro ona haykali o'rnatildi. Ana shu tariqa, el-yurtimizda yuksak ma'naviy fazilatlar, demokratik qadriyatlar mustaqamlanmoqda, eng muhimi, aholining mamlakatimiz kelajagiga uning boyu madaniyati va yuksak manavyati yanada boyiishiga bo'lgan ishonchi ortib bormoqda.

Tarixdan malumki "Ozbek xalqi madaniy-manaviy rivojlanish yo'li juda kuchli, bu maskan madaniy-marifiy faoliyati tufayli ham yuqori ehtiromga loyiqdir, xalqimiz aynan madaniy tarixiy ildizlar orqali ham shakllangan".¹ SHuning uchun ham Prezidentimiz I.A.Karimov nomoddiy madaniy meros hisoblangan urf-odatlarimizni, umuman inson tafakkurini yangilash, oson ish emasligini, bu jarayonlarni zo'ravonlik bilan tezlashtirishga urinmaslik lozimligini uqtirib o'tdilar. Axir "Madaniy rivojlanish aholining turli toifalarida ortib borayotgan ehtiyojlarni qondirish, qobilyatlarni rivojlantirish uchun ham zarur".² Ma'lumki, O'zbekiston xalqi o'z mustaqilligiga erishgach, er sharining ko'pchilik aholisi kabi ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyotiga asoslangan demokratik jamiyatni barpo etishni o'z oldiga maqsad qilib qo'ydi. Tabiiyki, bunday jamiyatni shakllantirishda, avvalambor, O'zbekiston taraqqiyotining o'ziga xos milliy tamoyillarini jahonda kechayotgan umuminsoniy tamoyillar bilan uyg'unlashuvi muhim ahamiyat kasb etadi.

¹ Жўраев Н. Файзуллаев С. Истиклол ва тарихий жараёпэ.-Т.: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат. 2000. –Б. 95.

² Нурмухаммедова М. Ўзбекистонда маданий марифий ишлар.-Т.:Ўқитувчи,1993. –Б. 96.

1991 yil 31 avgustda O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining navbatdan tashqari VI sessiyasida Prezident Islom Karimov O‘zbekistonni mustaqil suveren davlat deb e‘lon qilar ekan, bundan buyon mamlakatimizda siyosat, iqtisodiyot va ma‘naviyat yo‘nalishlarida keng miqyosli o‘zgarish, yangilanish, islohotlar kechishini aloqida ta‘kidladi. Oradan yana bir yil o‘tib, "O‘zbekistonning o‘z istiqlol va taraqqiyot yo‘li" nomli kitobida mamlakatimizni yangilash va rivojlantirishning "umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlik; xalqimizning ma‘naviy merosini mustahkamlash va rivojlantirish; insonning o‘z imkoniyatlarini erkin namoyon qilishi vatanparvarlik singari o‘ziga xos to‘rtta asosiy negizini belgilab berdi. Bundan kelib chiqqan holda shuni alohida takidlashimiz mumkinki "Davlatimiz uchun har bir madaniy tarixiy jarayonni o‘rganish yuksak madaniyatni yaratishga katta zamin hozirlaydi".¹

1994 yilda ma‘naviy-ma‘rifiy jarayonlarning davlat miqyosidagi ustuvor siyosat ekanining amaliy tasdiqi sifatida mutlaqo yangi ijtimoiy institut - Respublika "Ma‘naviyat va ma‘rifat" jamoatchilik markazi tashkil etildi va uning viloyat, tuman bo‘limlari tarkib topdi. Keyinchalik Markaz Respublika Ma‘naviyat va ma‘rifat kengashi faoliyati bilan muvofiqlashtirildi.

2006 yili tizim zamon talabi va ma‘naviy-ma‘rifiy ishlar ko‘lamiga ko‘ra yana takomillashtirildi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2006 yil 25 avgustdagi "Milliy g‘oya targ‘iboti va ma‘naviy-ma‘rifiy ishlar samaradorligini oshirish to‘g‘risida"gi qarori asosida Bosh vazir kengash raisi, hokimlar viloyat hududiy kengashlari raisi etib belgilandi. Viloyat hokimining o‘rinbosari mavqeiga tenglashtirilgan ma‘naviy-ma‘rifiy ishlar bo‘yicha yordamchi lavozimlari joriy etildi. Kengash tarkibida ikki markaz — Respublika Ma‘naviyat targ‘ibot markazi va Milliy g‘oya va mafkura ilmiy-amaliy markazi tashkil etildi. Demak, ma‘naviyat-ma‘rifat va milliy g‘oya bilan bog‘liq umumnazariy ilmiy-amaliy masalalarni o‘rganish, tadqiq etish hamda uni targ‘ib qilishning mamlakat miqyosidagi konstruktiv mexanizmi yaratildi. Ma‘naviy-ma‘rifiy ishlarini zamon

¹ Марифатли жамият муҳолифлари. –Т.: Академия, 2005. –Б. 8.

va sharoit taqozosiga ko'ra takomillashtirildi. Mazkur institut tomonidan umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlik ifodasi sifatida o'tkazilgan xalqaro festivallar, ma'naviy merosimizni tiklash va rivojlantirish borasidagi madaniy-ma'rifiy tadbirlar, ijodkor ziyolilar, ayniqsa, yosh ijodkorlarga amaliy g'amxo'rlik ko'rsatish, ularning ijtimoiy muxofazasini ta'minlash orqali o'z imkoniyat va salohiyatlarini namoyon etishga rag'batlantirish va oxir-oqibat ana shu voqea-hodisalar mamlakatimizning har bir fuqarosi qalbida vatanga muhabbat, g'urur va fidoyilik xislatlarini uyg'otib bordi. Ayni paytda bu jarayonlarning tizimli shaklga kirib, mohiyat va sifat jihatidan mutlaqo yangi ijtimoiy institutning ta'sis etilishi ma'naviy-ma'rifiy islohotlarning davomiyligini ta'minladi.

Mustaqillik yillarida madaniy-manaviy rivojlanish o'zining ilk bosqichini boshlab berdi. Madaniy rivojlanish o'z-o'zidan kelib chiqib qaraydigan bo'lsak millatning asriy urf odatlarini, an'analarini turli manaviy rivojlanish yo'llarini o'zida aks ettirib beruvchi tarmoq sifatida shakllangan hisoblanadi. Madaniy rivojlanish avvalo tarixiylik nuqtai nazaridan qaraydigan bo'lsak, o'tmish ajdodlarimiz ilmiy merosini o'rganish va ularni qayta tiklash, ulug' allomalar va bobokolonlarimizning tavvalud ayyomlarini keng nishonlanishi, ko'hna tarixiy yodgorliklarni qayta tamirlash bo'yicha olib borilgan keng ko'lamli ishlarni misol qilib keltirishimiz mumkin. Xususan mustaqillikning ilk kunlaridanoq yillarning allomalar nomi atala boshlaganligi buning yorqin aksi deyishimiz mumkin. Aynan madaniy-manaviy rivojlanish tufayli xalqimizning ming yillik asriy an'analarini aks ettirib beruvchi turli bayramlar qayta tiklandi.

Umuman, madaniy-manaviy hayotning rivojlanib borishi asosida davlatimizning ming yillik tarixi, uning asriy an'analarining qayta tiklanish va bular asosida millatimiz kelajak taraqqiyoti uchun zamin yaratilganligini ko'rishimiz mumkin. Aynan madaniy hayot bu davlatning ijtimoiy rivojlanish yo'lini va tarmoqlarini, manaviy shakllanish mezoni esa mamalakatning barcha tarmoqlarini shu jumladan fan, talim va umumiy barcha axloq meyorlarini ko'rsatib beruvchi asosiy tamoyil hisoblanmoqda.

2.2. Театр, кино ва мусиқа санъатининг ривожланиши

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви театр санъати тараққиётига ҳам ўзининг табиий таъсирини кўрсатди. Замонавий ўзбек театри ўз анъаналарини авайлаб сақлаб келаётган, шунингдек инсоният қўлга киритган нодир ютуқларни ўзига сингдиришга интилаётган санъатдир¹.

Ҳозирги кунда республикада театр санъатининг ҳар хил турлари ва жанрлари ривожланмоқда. Ёшлар, болалар ва кўғирчоқ театрлари ҳам алоҳида мавқега эга. Мустақиллик шарофати билан тикланган миллий қадриятлар, жамият маънавияти, ҳақидаги янгиланган тушунчалар, тарих ва замонавийлик муаммолари ушбу театрлар эътиборида турибди².

Мустақиллик йилларида тарихий драма сахна санъатида етакчилик қилди³. Ўтган қисқа вақт давомида яратилган юзлаб сахна асарлари орасида "Пири коинот", "Кундузсиз кечалар", "Ҳаётдан тўйган тун" (Хамза номидаги театр), "Амир Темури" (Сирдарё театри), "Буюк ипак йўли" (Аброр Хидоят номли театр), "Ато қилинган муҳаббат тариқати" (Ёшлар театри), "От кишнаган томонда", "Боз масҳарабоз" (Й.Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театри), "Беддуа" (Қорақалпоқ театри), "Кампир топайми, дадажон» (Фарғона театри), "Рангин тушлар" (Илҳом), "Тақдир" (Муқимий номли театр), "Американча никоҳ" (Оперетта театри), "Фигаронинг уйланиши", "Оққуш кўли" (Алишер Навоий номли ДАКТ) сингари спектакллар театр муҳлислари ва мутахассислари эътиборини қозонди⁴.

Мустақиллик шарофати ила ижодий ҳамкорликларга ҳам кенг йўл очилди. Америкалик режиссёр Дэвид Каплан Аброр Хидоят театрида "Қирол Лир" трагедиясини, Буюк Британиялик Майкл Брут Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик театрида "Князь Игорь" операсини сахналаштирди. Ўз навбатида Ўзбекистонлик режиссёрлар ҳам чет элларда

¹ Туленов Ж. Фалсафий маданият ва маънавий камолот. – Т.: "Меҳнат", 2000. – Б. 92.

² Ўзбекистон санъати (1991-201 йиллар) // Таҳрир хайати: Ҳ. Караматов, Н. Жўраев, Т. Қўзиев ва бошқалар. – Т.: "Шарк", 2001. – Б. 141.

³ Раҳматуллаева Д. Ўзбек театри: тарихий драма. – Т.: "San'at", 2004. – Б. 313.

⁴ Тулаходжаева М. Режиссура узбекского драматического тетра. – Т.: F.Ғулом нашрети, 1996. – С. 38.

спектакллар сахналаштириш учун таклифлар олмоқдалар. Аброр Ҳидоятлов номли театр бадиий раҳбари Б. Йулдошев Францияда, Ўзбекистон Ёшлар театрининг бадиий раҳбари Н. Абдурахмонов Исроилда асарлар сахналаштирди.

Истиқлол шарофати билан ўтган "Шарқ ва Ғарб", "Навруз - 97" Халқаро театр фестиваллари маданий ҳаётда муҳим воқеа бўлди. Бу фестивалларда қатор Европа ва Осиё мамлакатлари - Англия, Германия, Финляндия, Россия, Япония, Ҳиндистон, Сянган, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон каби қатор мамлакатлар театр жамоалари иштирок этдилар.

Театр жамоаларимизнинг АҚШ, Франция, Германия, Ҳиндистон, Малайзия, Сянган, Россия, Миср сингари мамлакатларда ўтган халқаро фестиваллардаги муваффақиятли иштироклари, балет усталарининг Лондонда малака оширишлари ҳам шу йўлдаги ҳайрли ишлар сирасига киради. Ёшлар театрларининг "Ҳумо" халқаро фестиваллари жуғрофияси йилдан-йилга кенгайиб бораётганлиги, иккинчи тарафдан унинг марафон шаклида ўтаётганлиги санъат муҳлисларига хорижлик меҳмонлар санъати билан яқиндан танишиш имконини туғдирмоқда.

Мустақиллик шарофати билан асрлар давомида шаклланган оммавий халқ байрамлари театрлашган томошалар тимсолида янги характер касб этди. Қисқа вақт мобайнида кенг миқёсларда нишонланадиган театрлашган майдон томошалари номли янги санъат тури дунёга келди. Навруз ва Мустақиллик байрамлари, буюк давлат арбоблари ва алломалари юбилейлари, Бухоро ва Хива шаҳарларининг юбилейлари, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали муносабати билан ўтказилган театрлашган томошалар шундан гувоҳлик беради¹.

Маънавий-руҳий камолотни шакллантиришда, инсон тафаккурига таъсирчанликда кино санъатининг имкониятлари беҳаддир. Театр, тасвирий санъат, мусиқа, адабиёт унсурларини ўзида мужассам этган экран санъати

¹ Ўзбекистон санъати (1991-201 йиллар) // Таҳрир ҳайати: Ҳ. Караматов, Н. Жўраев, Т. Қўзиёв ва бошқалар. – Т.: "Шарқ", 2001. – Б. 142.

бир томондан - жамиятда кечаётган жараёнларга бадиий, фалсафий, эстетик умумлашмалар нуқтаи назаридан ёндашиш имкониятига эга бўлса, иккинчи томондан - унга хос бўлган оммавийлик бу умумлашмаларни катта-катта аудиторияларга мароқли ва таъсирчан шакл-шамойилда етказиб бериш имконини яратади. Сўнгги йилларда саҳналаштирилган тарихий мавзудаги спектакллар таҳлили бу даврга қадар ўзбек тарихий драматургиясида шакилланган анъаналар ижодий давом эттирилаётганини кўрсатмоқда¹.

Ўзбекистон кино санъатининг ривожини учун Республикаимизнинг мустақиллиги кенг йўл очиб берди. Давлат томонидан ажратилган маблағларга суратга олинган "Буюк Амир Темур", "Имом ал-Бухорий", "Ўтган кунлар", "Отамдан колган далалар", "Абдуллажон", "Воиз" фильмлари маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлиб, томошабинлар томонидан илиқ қабул қилинди². Умуман, "Ўзбеккино" ДАК фаолиятининг дастлабки даврида, яъни 1996-98 йиллар давомида муайян ижобий жиҳатлар устунлик қилди. Масалан, сценарий ёзиш ишига тажрибали ёзувчиларнинг жалб этилгани, шунингдек, бадиий асос сифатида замонавий ва мумтоз адабиётимизнинг сара намуналари танлангани натижасида кенг томошабинлар эътиборига, "Ёлғиз ёдгорим", "Севги", "Чаёнгул", "Аёллар салтанати" каби турли жанр ва мавзулардаги фильмлар ҳавола этилди.

1998 йилдан эътиборан "Маънавиятимиз қўлимизда енгилмас кучга айлансин" шиори остида ўзбек миллий фильмлари фестивалининг жорий этилиши ҳам республика маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. 1998 – 2001 йилларда Бухоро шаҳрида I, II, III, IV ўзбек миллий фильмлари фестиваллари ўтказилиб, сўнгги йилларда яратилган хужжатли, бадиий, анимацияли фильмлар кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Шу давр оралиғида Фарғона (1999) ва Навоий (1998, 2001) вилоятларида ўтказилган "Ўзбек киноси кунлари", "Кино байрами" кунлари миллий киносанъатимиз намуналарини тарғибот ва ташвиқот этишда муҳим аҳамият касб этди.

¹ Раҳматуллаева Д. Ўзбек театри: тарихий драма. – Т.: "San'at", 2004. – Б. 311.

² Алиев М. Кино санъатимиз равнақи // Маданият ва маънавият муаммолари. – Т., 1994. – Б. 23-29.

Бундан ташқари, Россия, Германия, Франция, Корея, Малайзия каби давлатларда ўтказилган "Ўзбек киноси кунлари" миллий кинофильмларимизни жаҳонга танитиш ва тарғиб этишнинг ўзига хос тажрибаси бўлди¹.

Шунингдек, сўнгги йилларда миллий бадиий ва хужжатли фильмларимиз кўплаб нуфузли киноанжуманларда иштирок этиб, тақдирландилар. Республика бадиий ҳаётида улкан воқеа бўлган "Ислом Каримов: Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" (муаллиф ва реж. В. Исхоков, реж. Ш. Қурбонбоев, операторлар Т. Қурбонов, Р. Шукуров, У. Ортиқов, Э. Шоюнусов) туркум фильмининг "Миллий ҳавфсизликнинг ҳарбий стратегик асослари" деб номланган 4-қисми Москва шаҳрида бўлиб ўтган МДХ ва Болтиқ бўйи давлатларининг хужжатли кино ва телефильмлар фестивалида МДХ давлатлари ва Мудофаа Вазирлари Кенгашининг махсус мукофоти, III Евроосиё телефоруми дипломи ва махсус "Терроризм ҳавфига ққрши МДХ давлатларининг ҳамкорликдаги курашини кенг ва ёрқин акс эттиргани учун" дипломи билан тақдирланди. Режиссёр Ю. Розиковнинг "Воиз" фильми (сен. муал. Ю. Розиков, оператор У. Хамроев) 1999 йилда Анапа шаҳрида ўтказилган МДХ ва Болтиқ бўйи мамлакатларининг "КиноШок" фестивалидан Бош соврин ва кинотанқидчиларнинг энг юқори соврини билан қайтди. Шунингдек, мазкур фильм Берлин Халқаро кинофестивали, Дехли, Сиэтлда бўлиб ўтган киноанжуманлар кўрик-танловида иштирок этди. 2000 йилда "Артек"да бўлиб ўтган Болалар халқаро кинофестивалида З. Мусоқовнинг "Кичкина табиб" (сен. муаллифи ва реж. З. Мусоқов, оператор А. Исмоилов) фильми Бош совринга, М. Махмудовнинг "Булбул" анимацияли фильми эса Москвада ўтказилган "Золотая рыбка" фестивалида I Совринга сазовор бўлди. М. Абзаловнинг "Ўтган кунлар" фильми ҳам Гатчина шаҳрида ўтган "Кино ва адабиёт" фестивалида махсус соврин билан мукофотланган².

¹ Маврулов А. Маданиятдаги миллийлик ва байналминаллик // Маданият ва маънавият муаммолари. – Т., 1994. – Б. 9-18.

² Ўзбекистон санъати (1991-201 йиллар) // Таҳрир ҳайати: Х. Караматов, Н. Жўраев, Т. Қўзиёв ва бошқалар.

1991-2001 йилларда Ш. Аббосов, Л. Файзиев (мархум), Т. Камолова, Х. Файзиев, М. Абзалов каби устоз санъаткорлар билан бир қаторда — И. Эргашев, З. Мусоқов, Ю. Азимов, С. Назармухамедов, Ю. Розиков, Б. Одилов, Ж. Қосимов, Т. Калимбетов, Ю. Собитов, Н. Аббосов сингари ёш режиссёрлар ижод қилмоқдалар. М. Тўйчиев, Ш. Бошбеков, Р. Мухаммаджонов, З. Мусоқов, Ю. Розиковлар каламига мансуб сценарийларда миллий кинонинг ўзига хос жозибаси, мароқли хусусиятлари акс этмоқда. Операторлардан Х. Файзиев, Р. Иброхимов, Х. Хасанов, Д. Абдуллаев, У. Хамроевларнинг, шунингдек, киномусаввирлар Ю. Гусейнов, Д. Абдурахмонов, И. Гуленко, З. Носироваларнинг ижодлари киносанъатимизда алоҳида ўрин тутди. Замонавий киномусиканинг ривожидида композиторлар Э. Солихов, М. Махмудов, Д. Янов-Яновский, Ж. Изомовларнинг улушлари салмоқлидир.

1991-2001 йилларда ўзбек бадиий киноси кескин ижтимоийликдан бир қур чекиниб, маънавий-руҳий изланишлар қатламида гавдалана бошлади. Ҳаёт муаммолари, мавжудлик муаммолари билан боғлиқ мавзулар билан бир қаторда таъсирчан мелодрама ва ен-ил комедия фильмларидан иборат "этноик кино" йуналиши ҳам ўз ривожини топа бошлади. "Темир хотин", "Шариф ва Маъриф" (реж. И. Эргашев), "Шўрпешоналар" (реж. Ж. Қосимов, Б. Одилов), "Даллол" (реж. Б. Одилов), "Қариб қуйилмаган", "Чимилдиқ" (реж. М. Абзалов), "Адашганлар" (реж. Р. Мухаммаджонов), "Бомба", "Кичкина табиб", "Осмондаги болалар"¹, "Осмондаги болалар 2", "Ватан", "Қўрғошин" (реж. З. Мусоқов) фильмлари фикримиз далилидир.

Кино санъатида 1991-2001 йилларда кечган бадиий-ижодий жараёнлар таҳлили сўнгги йилларда экранларга чиққан айрим асарларда бадиий-эстетик дид танқислиги, замонавий мавзу ва қаҳрамон талқинидаги юзакилик, баённинг томошабин учун зерикарли, суст маромда кечиши ҳолатларини ҳам аниқлашга имкон берди. Бу ўринда "Пиёда", "Бахт қадри", "Пари

– Т.: "Шарқ", 2001. – Б. 143.

¹ Ўзбекистон фильмлари каталоги. (1996-1999 й.) – Т., 1999. – Б. 15.

Момо", "Олийжаноб севги". "Фазли", "Ғурбат" фильмларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бунинг асосий сабаблари миллий кинодраматургия муаммолари доирасида бўлиб, хусусан, сценарий танлашда мезонларнинг пасайиб кетгани билан боғлиқдир¹. Шунингдек, фильмлар намойиши (кинопрокат), мутахассисларни тайёрлаш, томошабин билан алоқани мустаҳкамлаш ҳамда кино соҳасининг молиявий ўз-ўзини қоплай олиш-олмаслиги билан боғлиқ муаммолар ҳам ўз ечимини кутмоқда.

Тарихимизни ўрганишга талаб бор экан, бу тарихни кино тасмаларида муҳрловчи ҳужжатли фильмларга ҳам эҳтиёж ошмоқда. Истиқлол киносолномасини яратишда ҳужжатли фильмларнинг ўрни бекиёсдир. "Ўзбекистон мустақиллик йўлида", "Истиқлол фидойилари", "Ўзбекистон Қаҳрамонлари", "Ислом Каримов: Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" рунларидаги ҳужжатли фильмлар фикримиз далилидир.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниям тизимида тайёрланаётган бадиий ва ҳужжатли ахборот дастурлари, турли мавзудаги кўрсатувлар, видеофильмларнинг ғоявий-бадиий савияси миллий истиқлол мафкураси мезонларига ҳамохангдир. Миллий телевидение юртимизда кечаётган туб ислохотларни кенг тарғиб этиш юзасидан самарали фаолият олиб бормоқда.

Ўзбек мусиқа маданияти қадимий ва ранго-ранг, айни пайтда янги замон анъаналарини ўзида мужассам этган ҳолда ривож топмоқда. Бунда аввало беназир халқ мусиқаси, мумтоз мусиқий мерос, миллий бастакорлик, ҳозирги замон бастакорлиги, шунингдек, халқ хаваскорлиги ҳамда жушқин оммабоп эстрада ижодиёти каби шаклан ва услубан ниҳоятда сержило жабҳалар намоён бўлади².

Истиқлол шарофати билан миллий-маънавий қадриятларимизга бўлган диқдат-эҳтибор, унутилаётган анъаналаримизни тарихан қисқа муддат ичида қайта тикланиши, мутгасил тараққий этириш мақсадидаги янгиланиш, ислох этиш жараёнларида устиворлик касб этди. Шунингдек, қўшни ва узоқ

¹ Ўзбекистон санъати (1991-201 йиллар) // Таҳрир хайати: Ҳ. Караматов, Н. Жўраев, Т. Қўзиев ва бошқалар. – Т.: "Шарк", 2001. – Б. 144.

² Мамадалиев Ф. Миллий мусиқа ижрочилиги масалалари. – Т., 2001. – Б. 45.

хорижий мамлакатлар билан маданий-муסיқий алоқаларни ўзаро бойитиш йўлида ривожлантириш саъй-ҳаракатлари ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлди¹.

Собиқ шўро даври мафкуриси исканжаларида бўғилган ўзбек муסיқа меросининг Шарқ халқлари анъаналари билан тарихий алоқалари янги босқичга кўтарилди ва ижодий ҳамкорликлар йўлга қўйила бошлади. Айнан шу маданий алоқалар, муסיқанинг илоҳий таъсир кучи ва ўзбек халқининг бой муסיқа меросининг аҳамияти ва мавқеини, унинг Шарқ муסיқаси билан муштараклигини назарда тутган Ўзбекистан Президенти И. Каримовнинг "Шарқ муסיқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк... Бу муסיқа минг-минг йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларни рухан юксалтириб келмоқда"² деган сўзлари юқоридаги фикрлар исботидир.

Бугунги ўзбек муסיқа санъатининг жаҳон сахналарида эришаётган ютуқлари таҳсинга сазовордир. Бунга, хусусан, Ўзбекистан композиторлари асарларининг йирик ва нуфузли хорижий ижрочи жамоалари репертуарларидан ўрин олиши, етук санъаткорларимиз — Турғун Алиматов АҚШда, Абдухошим Исмоилов АҚШ, Франция, Германияда, Муножот Йулчиева Францияда, Юлдуз Усмонова Голландия ва Германияда, Насиба Абдуллаева ва "Ялла" ансамбли АҚШда, Миллий симфоник оркестри Туркияда, "Сўғдиёна" ўзбек халқ чолғулари камер оркестри Испания, Голландия, Германия мамлакатларида муваффақият қозонган гастрол ва концертлари ёрқин мисолдир. Шунингдек, ушбу ўн йиллик даврида элликдан ортиқ ёш истеъдодли созанда ва хонандалар нуфузли Халқаро танловларнинг совриндорлари бўлишди. Улар орасида пианино ижрочилари - Улуғбек Полвонов (Португалия, 1991; Италия, 1996; Германия, 1996; Грузия, 1997; АҚШ, 1998), Гулнора Алимова (Франция, 1993; Португалия, 1994; АҚШ, 1995), Наргиза Алимова (Италия, 1996; Белоруссия, 1996; Шимолий Корея, 1997), Ирина Гульзарова (Италия, 1997; Италия, 1999; Украина, 2000), Рустам Абдуллаев (Греция, 2000), хонандалар — Анна Гузаирова (Италия,

¹ Ўзбекистон санъати (1991-201 йиллар) // Таҳрир хайати: Х. Караматов, Н. Жўраев, Т. Кўзиев ва бошқалар. – Т.: "Шарқ", 2001. – Б. 104.

² Каримов И. А. Асарлар, 6-жилд. – Б. 322.

1993), Сайда Мамадалиева (Шимолий Корея, 1996), Севара Назархонова (Болгария, 1999), камонли-торли чолру ижрочилари — Дилшод Назаров (виолончель, Франция, 1999), Суннат Иброхимов (виолончель, Қозоғистон, 2001), Марина Саркисова (скрипка, Туркия, 2000), Анастасия Юденич (скрипка, Франция, 2001), дамли чолғу ижрочиси — Али Измайлов (Қозоғистон, 1995) ва бошқалар бор¹.

Президент И. Каримов таъкидлаганидек: "Маънавият — инсониятнинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қувватидир". Ушбу олий мақсадларни ҳаётга жорий этиш соҳасида республикада турли-туман тадбирлар ўтказилмоқда. Бу борада, Президентимизнинг ва республика ҳукуматининг кейинги беш йилликда эълон қилган Фармон ва Қарорлари ("Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида (1996), "Ўзбекистон — Ватаним маним" кўшиқлар байрамини ўтказиш тўғрисида (1996), "Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида" (1996), "Ўзбекистон Бадиий Академиясини ташкил этиш тўғрисида" (1997), "Ўзбекистонда эстрада санъатини янада ривожлантириш тўғрисида" (1998, 2001) ва бошқалар) ўзбек мусиқа маданиятининг янада ривож топишига ва юксалишига қаратилган. Шунга мувофиқ ушбу ўн йилликда республикада ва унинг мусиқий ҳаётида тарихий воқеалар ва муҳим ўзгаришлар рўй берди, жумладан, Самарқандда "Шарқ тароналари" Халқаро мусиқа фестивали (1997, 1999), Тошкентда Халқаро симфоник мусиқа фестивали (1998, 2000), 1995 йилдан бошлаб Тошкентда "Илҳом—XX" Халқаро замонавий камер мусиқаси фестивали, 1996 йилдан "Ўзбекистон — Ватаним маним" кўшиқлар танлови, 1999 йили "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги, 2000 йилдан бошлаб "Наврўз" кўшиқ-танлови, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, ал-Фарғоний каби буюк аждодларимиз таваллудларига бағишланган шонли саналар кенг нишонланди; ушбу йиллари ўзбек эстрада санъати ҳам қатор

¹ Бахритдинова Н.А. Ўзбекистон болалар хор маданияти. – Т., 2002. – Б. 102.

ютуқларга эришди. "Офарин", "Она замин юлдузлари", "Ниҳол" совринларининг таъсис этилиши фикримиз далилидир¹.

Маълумки, ўзбек халқининг маънавий гўзаллиги асрлар қаъридан келаётган куй-охангларида ўзининг ажойиб, бетакрор бадиий инъикосини топган. Уламоларимиз берган таърифлардан бирига кўра, мусика — инсон руҳининг озиғидир. Бинобарин, миллий мусика кўп асрлар давомида аждоқларимиз бой маънавиятининг, теран тафаккурининг, баркамол руҳиятининг садолардаги жонли ифодаси ва, айти пайтда, янги, буюк давлат бунёдкори бўлмиш жамиятимизнинг руҳ қуввати ва жон озиғидир.

Мустақиллик йиллари ўзбек анъанавий мусикасига эътибор янада кучайди. Миллий қадриятлар, урф-одатлар ва маросимларнинг тикланиши мусика соҳасида ҳам анча ўзгаришларга сабаб бўлди. Қадимий миллий мусикамиздаги бой бадиий-тасвирий воситалар билан бир қаторда, янги жанр ва турларини ўзлаштириш натижасида ўзбек мусика санъати яна ҳам юксак даражага кўтарилди. Шу боисдан республика миқёсида кўплаб курик-танловлар ташкил қилинмоқда. Хусусан, ушбу ўн йилликда катта ашула ижрочилиги ва оилавий ансамбллар (Кўкон, 1991; Шаҳрисабз, 1994), "Алла" ижрочилари (Тошкент, 1992, 1998, 2000; Марғилон, 1996), тўй-маросим кўшиқлари ижрочилари (Тошкент, 1993), фольклор-этнографик жамоалари "Чашма" танлови (Тошкент, 1994), "Истеъдод" номли ёш хонандалар (Тошкент, 1995), бахши-шоирлар (Денов, 1991; Нарпай, 1993; Тошкент, 1997; Термиз, 1999), мақом ижрочилари ва халқ чолғулари ансамбллари (Шаҳрисабз, 1996), "Барҳаёт сиймолар" (Тошкент, 1997, 1998), оилавий ансамбллар (Жиззах, 1998), фольклор-этнографик ансамбллари (Тошкент, 1999), М.Узоков ва Ж.Султанов номидаги ёш хонандалар (Марғилон, 1999), Хожи Абдулазиз Расулов номидаги ёш хонандалар (Самарканд, 1997), Комилжон Отаниёзов номидаги ёш хонандалар (Урганч, 2001), Ю. Ражабий номидаги IV Халқаро ва V Республика Мақом ижрочилари (Тошкент, 1995, 1999), оилавий

¹ Ўзбекистон санъати (1991-201 йиллар) // Таҳрир ҳайати: Х. Караматов, Н. Жўраев, Т. Қўзиёв ва бошқалар. – Т.: "Шарқ", 2001. – Б. 105.

ансамбллар (1995) ва фольклор-этнографик жамоалари (1996), телефестиваллар шулар жумласидандир¹.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда ўзбек эстрада мусиқаси ўзининг услуб нуқтаи назаридан мураккаб жараёни бошдан кечирмоқда. Хусусан, унда Яқин ва Ўрта Шарқ эстрадасидан тортиб то Лотин ва Шимолий Америка ҳамда Ғарбий Европа мамлакатлари оммавий мусиқасининг куй-оханг ва ритм-усуллари таъсирини кўришимиз мумкин. Олдинги даврда ман этилган ёки давлат томонидан "қўллаб қувватланмаган" оммавий мусиқа услубларидан ("диско" ва "хард-рок"дан бошлаб "рэп" ва "хеви" металлгача) эркин фойдаланиш, миллий анъанавий мусиқа намуналарининг эстрада сахнасига олиб чиқиш тажрибалари ҳам 1991 йилдан бошлаб кенг ўрин тута бошлади. Шу билан бирга эндиликда Ўзбекистонда мусиқий эстраданинг янги окқмлари, жумладан, ёшлар орасида "техно-поп", "панк", "хард-рок", "реггей" ва "жаз-рок", "бард" кўшиқчилиги каби йўналиш ва услублар ривожланмоқда. Сарвар Козиев раҳбарлигида камол топган ҳамда турли эстрада танловлари совриндори даражасига кўтарилган "Қарс" ("Чипродаллидалли", "Ёр-Ёр, ёро-ней"), шунингдек "Тошкент" ("Бедана") ва "Манзур" ("Етолмайсиз", "Мени ёр дема") гуруҳлари, Мухаммаджон Рuzимуҳаммедов ва "Шофайз", Дониёр Мамедов ва "Байрам", Абдулла Шомагруппов ва "Нола" ("Назокат", "Сенсан севарим"), Рашид Холиқов ва "Шахзод" ("Ўйнайсан", "Келинчак"), Севара Назархон ва "Сидериз" ("Унутма"), Абдулазиз Карим ва "Аср" ("Қурбон бўламан"), Тохир Содиқов ва "Болалар" гуруҳи ("Кам бўлмас ўзбек", "Нега ундай қилдинг сен", "Ҳаёлим сенда"), "Хўжа", "Тож" каби гуруҳлар ҳозирги давр ёшлар эстрада мусиқасининг сараланган буғинини ташкил этади. Албатта, бу жараёнда айрим натижалар билан бир қаторда хорижий мамлакатлар эстрадасига юзаки тақлид қилиш, "европача" ва "шарқона" услубларда "ижод" этиш тамойиллари кенг тус олмақда².

¹ Акбаров Қ.Ё. Ўзбекистоннинг XX аср сўнги чорагидаги маданияти (Фарғона водийси мисолида). // Тарих фанлари номзоди илмий дара дисс автореф. – Т. 2008. – Б. 25.

² Ўзбекистон санъати (1991-201 йиллар) // Таҳрир ҳайати: Ҳ. Караматов, Н. Жўраев, Т. Қўзиев ва бошқалар. – Т.: "Шарқ", 2001. – Б. 140.

Шунингдек, яна бир алоҳида тамойил сифатида жаҳонда машхур оммавий эстрада (турк, эрон, араб, француз, инглиз ва бошқа эстрада юлдузлари) кўшиқларининг куй-охангларига ўзбекча сўз ва шеърларни "боғлаб" ижро этиш тажрибаларини қайд қилиш мумкин. Аммо бу каби тажрибаларни бадий-ижодий жиҳатдан доим ҳам қониқарли, деб бўлмайди. Унутмаслик керакки, бундай жараёнда юзага келган кўшиқлар ва шу асосда "руҳий озуқа" олаётган ёшларимиз пировард натижада она тилимизу, миллий охангларимиз тароватини, қолаверса уларнинг кадр-қийматини теран ҳис этолмай қолишлари мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақиллик йилларида республикамизда тетр, кино ва муסיқа санъатида юз берган ривожланишларни бу борада ҳукуватимиз томонидан олиб борилган ислоҳатлар, жамиятда юз берган ижтимоий ўзгаришларнинг иникоси деб қабул қилиш мумкин.

Юқорида таъкидланган соҳаларда юз берган ўзгаришлар жамиятнинг манавий, эстетик руҳидаги ўзгаришларини белгиси сифатида мустақиллик йилларида бу борада олиб борилган ишларни натижасини белгиловчи омил деб қараш мумкин. Булардан келиб чиқиб мустақиллик шароитида бу соҳаларни ривожлантириш учун кўп ишлар амалга оширилганлигини ва юқорида таъкидланган кўплаб ютиқлар қўлга киритилганлигини таъкидлаган ҳолда соҳада хали ўз ечимини топмаган бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Аммо шу кунгача олиб борилган ишларнинг жўшқинлиги ва бу борада эришилган натижаларга асосланган ҳолда биз ушбу муаммолар яқин келажакда ўз ечимини топа олишини ишонч билан таъкидлашимиз мумкин.

ХУЛОСА

Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилиб ва уқлардаги маълумотларни умумлаштирилган ҳолда биз қуйидаги якуний хулосаларни беришимиз мумкин:

Биринчидан: Мустақиллик шароитида Ўзбекистон маданий ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида шуни таъкидлаш мумкинки мустақиллик йилларида бозор муносабатининг табиий қийинчиликлари, ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятларига қарамасдан мамлакатимизда маданий ислохотлар борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Бироқ, бажарилиши керак бўлган ишлар ҳали жуда кўп. Маданият масканлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар самардорлигини ошириш, манавий ҳаёт демакратлаштириш, санъаткорлар ижтимоий обройини ошириш ҳозирги кундаги муҳим масаладир. Мамлакатимиз ҳукумати томонидан олиб борилаётган жиддий маданий сиёсат, шубҳасиз, юқоридаги вазифаларни ҳал этиш имконини беради.

Иккинчидан: Ўзбекистон республикасида маданий жараёнларнинг ҳуқуқий асослари ҳақида тўхталадиган бўлсак мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ҳумати томонидан маданият соҳасининг ривожлантириш учун зарур бўлган замин – унинг ҳуқуқий асоси яратилди. Юқорида таъкидланган бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари,

президент фармони ва ҳукумат қарорлари соҳанинг ҳуқуқий асосини яратиш баробарида унинг ривожланиши ва тараққиётини кафолатловчи ўзига хос замин бўлди. Аммо маданият ва санъат соҳасининг ҳуқуқий асослари яратилган бўлишига қарамай ҳали бу борада қилинажак талайгина ишлар мавжуд. Хусусан маданият ва санъат соҳасининг ҳозирги кунда долзарб муаммоларидан бири бу маданият ва санъат намуналари яний мусика, клип ва кино намуналарининг ноқонуний кўпайтирилиб сотувга чиқариш – медиа қарорчиликга қарши яхлит бир қарши кураш чора тадбирлари мукамал ҳолга келтирилмаган. Бу муаммо келажакда ўз ечимини топиши лозим.

Юқоридаги қонун ва қарорлар соҳани ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатларини белгилаб берувчи муҳим восита бўлди. Буни натижаси ўлароқ маданият соҳасида мустақиллик йилларида туб ўзгаришлари юз бера бошлади.

Учинчидан: Mustaqillik yillarida madaniy-manaviy rivojlanish o'zining ilk bosqichini boshlab berdi. Madaniy rivojlanish o'z-o'zidan kelib chiqib qaraydigan bo'lsak millatning asriy urf odatlarini, an'analarini turli manaviy rivojlanish yo'llarini o'zida aks ettirib beruvchi tarmoq sifatida shakllangan hisoblanadi. Madaniy rivojlanish avvalo tarixiylik nuqtai nazaridan qaraydigan bo'lsak, o'tmish ajdodlarimiz ilmiy merosini o'rganish va ularni qayta tiklash, ulug' allomalar va bobokolonlarimizning tavvalud ayyomlarini keng nishonlanishi, ko'hna tarixiy yodgorliklarni qayta tamirlash bo'yicha olib borilgan keng ko'lamli ishlarni misol qilib keltirishimiz mumkin. Xususan mustaqillikning ilk kunlaridanoq yillarning allomalar nomi atala boshlaganligi buning yorqin aksi deyishimiz mumkin. Aynan madaniy-manaviy rivojlanish tufayli xalqimizning ming yillik asriy an'analarini aks ettirib beruvchi turli bayramlar qayta tiklandi.

Umuman, madaniy-manaviy hayotning rivojlanib borishi asosida davlatimizning ming yillik tarixi, uning asriy an'analarining qayta tiklanish va bular asosida millatimiz kelajak taraqqiyoti uchun zamin yaratilganligini ko'rishimiz mumkin. Aynan madaniy hayot bu davlatning ijtimoiy rivojlanish yo'lini va tarmoqlarini, manaviy shakllanish mezonini esa mamalakatning barcha

tarmoqlarini shu jumladan fan, talim va umumiy barcha axloq meyorlarini ko'rsatib beruvchi asosiy tamoyil hisoblanmoqda.

Тўртинчидан: Мустақиллик йилларида республикамызда тетр, кино ва мусиқа санъатида юз берган ривожланишларни бу борада ҳукуматимиз томонидан олиб борилган ислохатлар, жамиятда юз берган ижтимоий ўзгаришларнинг иникоси деб қабул қилиш мумкин.

Юқорида таъкидланган соҳаларда юз берган ўзгаришлар жамиятнинг манавий, эстетик руҳидаги ўзгаришларини белгиси сифатида мустақиллик йилларида бу борада олиб борилган ишларни натижасини белгиловчи омил деб караш мумкин. Булардан келиб чиқиб мустақиллик шароитида бу соҳаларни ривожлантириш учун кўп ишлар амалга оширилганлигини ва юқорида таъкидланган кўплаб ютиқлар қўлга киритилганлигини таъкидлаган ҳолда соҳада хали ўз ечимини топмаган бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Аммо шу кунгача олиб борилган ишларнинг жўшқинлиги ва бу борада эришилган натижаларга асосланган ҳолда биз ушбу муаммолар яқин келажакда ўз ечимини топа олишини ишонч билан таъкидлашимиз мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақиллик даврида маданият ва санъат соҳасида тубдан ўзгаришлар юз берди, шунингдекб маданий соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилди. Мадания ва санъатнинг тетр, мусиқа ва кино соҳалари айниқса жадаллик билан ривожланмоқда. Соҳада хали ҳам қатор ташкилий, ҳуқуқий муаммолар мавжуд бўлсада, соҳанинг ҳозирги даврдаги ривожланиш жўшқинлиги бизга ушбу муаммолар яқин келажакда ўз ечимини топа олишини ишонч билан таъкидлаш имконини беради.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.АКаримовнинг асарлари.

1. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1 жилд. –Т.; 1996.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ. 1998.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон. 1998.
4. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7 – жилд, – Т.: Ўзбекистон, 1999..
5. Каримов. И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008;
6. Karimov I.A. Tarixiy хотira va inson omili – buyuk kelajagimiz garovidir. –

Т.: “O’ZBEKISTON”, 2012.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. –Т.; 2012. – Б. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. // Ўзбекистон овози. 1998 йил, 28 июль.
2. “Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3491-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 38-39-сон, 422-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 40-41-сон, 436-модда; 2005 й., 14-сон, 104-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг 96-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат театрлари ва концерт ташкилотларининг мақоми тўғрисида”ги 11-сонли Қарори. Тошкент. 1992 йил 13 январ.
6. «ЎЗБЕККИНО» миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 17.03.2004 йилдаги 126-сон. Манба: ЎР ҚХТ, 2004 й., 11-сон, 128-модда.
7. XII Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 08.02.1997 йилдаги 70-сон.

3. Адабиётлар

1. Абдурахимов Б. Художественная культура Узбекистана XX век. –Т.: 2000.
2. Абдухоликов С. Маданият тарихи ва унинг асосий масалалари. – Т.,

- “ФАН”. 1992.
3. Акбаров Қ.Ё. Ўзбекистоннинг XX аср сўнгги чорагидаги маданияти (Фарғона водийси мисолида). // Тарих фанлари номзоди илмий дара дисс автореф. – Т. 2008.
 4. Алиев М. Кино санъатимиз равнақи // Маданият ва маънавий муаммолари. – Т., 1994.
 5. Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат.-Т.:Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат. 1996.
 6. Amir Temur jahon tarixida. -Parij.:1996.
 7. Амир Темур ривоят ва ҳақиқат –Т.: Қомуслар, 1996.
 8. Бахритдинова Н.А. Ўзбекистон болалар хор маданияти. – Т., 2002.
 9. Васиева Д.И. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда университет таълимнинг шакилланиши ва ривожланиши: тажриба ва муаммолар (1991-2001 йй.) Тарих фанлари номзоди илмий дара дисс автореф. – Т. 2008.
 - 10.Гафарали М., Касаев А. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик асоси. –Т.: 2001.
 - 11.Давлат, жамият, оила ёшлар тарбияси муаммолари.-Т.: Ўзбекистон, 1997.
 - 12.Жабборов А. Муסיқий драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодиётида. - Т., 2000.
 - 13.Жумаева Л. Ўзбек хор муסיқаси тарихидан. – Т., 2000.
 - 14.Жўраев Н. Файзуллаев С. Истиқлол ва тарихий жараён.-Т.: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат. 2000.
 - 15.Jo'rayev N. O'zbekiston tarixi (Milliy istiqlol davri) 3-kitob / Mas'ul muharrir N. Abduazizova. – Т.: “Sharq”, 2011.
 - 16.Исломов М. Бўш вақт ва ёшлар маънавий маданиятини ривожлантириш // Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс автореф. – Т., 1994.
 - 17.Қурбонов М. Миллий тарбия.-Т.: Маънавийт, 2007.

18. Маврулов А. Маданиятдаги миллийлик ва байналминаллик // Маданият ва маънавият муаммолари. – Т., 1994.
19. Mavrulov A., Dehqonov I. Madaniyat tarixi. O'quv qo'llanma. – Т.: “O'QITUVCHI”, 2007.
20. Маданият ва маънавият муаммолари. – Т., 1994;
21. Мамадалиев Ф. Миллий мусика ижрочилиги масалалари. – Т., 2001.
22. Марифатли жамият мухолифлари. –Т.: Академия, 2005.
23. Мусика ижодиёти масалалари. – Т., 1997.
24. Нурмухаммедова М. Ўзбекистонда маданий марифий ишлар.- Т.:Ўқитувчи,1993.
25. Проблемы музыкальной науки Узбекистана. – Т., 1997.
26. Раҳматуллаева Д. Ўзбек театри: тарихий драма. – Т.: “San'at”, 2004.
27. Содиқова М. Қишлоқ шароитида қишлоқ маданияти ва жамоат ташкилотлари. – Т.: “ФАН”, 2001.
28. Суюнов Ф. Наврўз байрами // Элим деб юртим деб ёниб яшаш керак. Илмий мақолар тўплами. -Навоий, 2011.
29. Тулаходжаева М. Режиссура узбекского драматического тетра. – Т.: Г.Фуллом нашрети, 1996.
30. Туленов Ж. Фалсафий маданият ва маънавий камолот. – Т.: “Меҳнат”, 2000.
31. Ўзбекистон амалий санъати.(Муаллифлар жамоаси). – Т.; 2003.
32. Ўзбекистон маданияти ва санъатига оид янги адабиётлар. Библиографик ахборот. // Тузувчи: Абдуазимова И. – Т., 2001.
33. Ўзбекистон санъати (1991-201 йиллар) // Таҳрир ҳайати: Ҳ. Караматов, Н. Жўраев, Т. Қўзиев ва бошқалар. – Т.: “Шарқ”, 2001.
34. Ўзбекистон фильмлари каталоги. (1996-1999 й.) – Т., 1999.
35. Hasanboyev J, Turonova M Manaviyat axloqiy tarbiya asoslari.-Т.: G'ofur G'ulom nimidagi Adabiyot va San'at 2010.
36. Эргашев И, Шарипов Б. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. – Т.: Академия, 2002.

- 37.Эргашев Қ. Амир Темур шахсини ўрганиш.-Т.:Манавят, 1998. –Б. 5.
- 38.Юнусов Р.Ю. Ўзбек халқ мусиқа ижодиёти. – Т., 2000.

4. Диссертация ва авторефератлар

1. Маврулов А. Ўзбекистоннинг ҳозирги жараёндаги маданиятининг умумий ҳолати: муаммолар, ривожланиш йўналиши (1970-1990 йиллар) // тар. фан. докт. илмий дара. дисс. – Т. 1993.
2. Ҳайдаров А.Ҳ. Ўзбекистон жамияти сиёсий маданиятида миллий-маънавий қадриятларнинг ўрни. // Сиёсий фанлар номзоди илмий дара. Дисс. автореф. – Т. 2005.

5. Вақтли матбуот материаллари

1. Ўзбекистон овози 1993 йил 1-сентябр.
2. Ўзбекистон маданияти ва санъати. 1992 йил. 24 январ.
3. Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси. Лойиҳа. // ЎТ. 1999. №1
4. Абулқосимова Х.Н. Кино ва тасвирий санъат. Санъат. 1999. 1-сон.
5. Абулқосимова Х.Н. Яна бир бор ўзбек киноси хусусида. Гулистон, 1999. 5-сон;

6. Статистик маълумотлар ва Архив материаллари

1. Маданий-маърифий муассалар фаолиятининг 1998-1999 йиллардаги асосий кўрсаткичлари. –Т., 1999. –Б. 8.
2. Андижоннома. 1993. 14 сентябр.
3. Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлигининг жорий архиви. Ўзбекистон статистика қўмитаси ҳисоботи. –Б. 6.
4. ЎЗР МДА. М-7-фонд, 1-рўйхат, 9-иш, 47-вароқ.
5. ЎЗР МДА. М-7-фонд, 1-рўйхат, 367-иш, 60-вароқ.
6. ЎЗР МДА. М-7-фонд, 1-рўйхат, 367-иш. 47-вароқ.

7. Интернет материаллари

1. <http://www.gov.uz/uz/>

2. <http://www.Lex.uz>